

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 38-39 (6879-6880)  
 1998 йил 19 май, сешанба

Сотувда эркин  
 нарҳда

## КУЁШ БЕЛАНЧАГИН ТЕБРАТАДИ ЁЗ

ТУРНАЛАР ПАСТАЛАБ УЧДИ

Сен баҳорни орзиқиб кутдинг. Сенга баҳорда қалдирғочлар қанотларида янги эртаклар олиб келдилар. «Қур-қурей» сидуни тўлдириб, турналар қайтдилар. Улар бу йил жуда пастлаб учдилар. Боболар бундай учишни тўкинчилик ва хурсандчиликка йўйишади. Илоё шундай бўлсин.

Наврўз сумалагидан топган тошларни чўнтагида авайлаб, яшириб юрган болажон, варракларингни баҳор шамолида беармон учирдинг. Осмонни тўлди-

риб учаётган варраклар сенинг ҳаволанаётган орзуингга ўхшаб кетарди...

Бугун тут дарахтининг тагидан чумолилар, турли қушлар аримайди. Пишиб битта-битта тушаётган ширали тут мева-сини идишга солиб, дастурхонга олиб келган ойижонингга миннатдор тикиласан.

Боғнинг шамоли димоғингга қулупнай, эрта пишар ўрикларнинг ёқимли ҳидини келтириб уради.

Айни пайтда яна аллақандай таниш ва оҳанграбо нафис бўй бутун борликни ўраб олган.

Бу сен қачондан буён кутаётган тўкинчилик фасли-ёзнинг қайноқ нафасидир! Яқинда таътилинг ҳам бошланади.

Жонажон мактабингдан бутун ёз фасли давомида йироқда бўласан. Соғинчи юрагига сифмаётган болажон, сени гилос, ўрик, шафтолилари пишмоққа чоғланаётган ям-яшил боғлар кутмоқда.

Буюк Ватанинг-Ўзбекистондан ўз нурини аямаган бобо қуёш бутун борликка тилла беланчак солади. Бу сеҳрли беланчакни ёз тебратади.

Сўлим қишлоқларнинг бағрида иш қайнайди. Ҳатто асалари-ю, меҳнаткаш чумолилар ҳам тирикчилик ортидан югуришади. Қадимда айтишар экан: Баҳор сенга халта беради, ёз эса шу халтани тўлдириш учун ҳаракат беради.

Болажон, энди

сени булоқ сувларига чайилган тиниқ саҳарлар уйғотади. Сен ҳам эртага онангинг, отангинг қаноти-га кирасан...

Узум тоқлари остидаги сўрида сенинг китобларингни ёзнинг шамоллари варақламоқда. Шошил, дала-лар қўйнидаги ёввойи гулларга қўниб учиб ўйнаётган капалаклар рақси сени кутмоқда.

Келажаги тонг осмонидай нурли ва шаффоф болажон, сенга ёзнинг ўтли нафаси қутлуғ ва муборак келсин!

Кундан кун ўтиб  
 кунлар  
 Исиб кетди.  
 Варрагимни  
 шамоллар  
 Узиб кетди.

Маза қилиб  
 учаман  
 Аргимчоқда.  
 Ниначи-ю  
 капалак  
 Билан боғда.

Ойим «иссиқ  
 кийин» деб  
 Уришмайди.  
 Совуқ сув  
 ичмагин деб  
 Туришмайди.

Ҳатто юришим  
 мумкин  
 Яланг оёқ.  
 Гулларга тўлиб  
 кетди  
 Ҳаммаёқ — боғ!

БОШ  
 МУҲАРРИР



19  
май

## БИЛИМАД СИНОВИ

Мактабимиз ўқувчилари тумандаги мактаблараро ўтказилган фан олимпиадасида иштирок этиб мактаб маъмурияти ишончини оқладилар. 9-синф ўқувчиси Ф. Орифжонов математика фанидан 1-ўринни эгаллаб вилоят миқёсидаги мусобақада иштирок этдиган бўлди М. Эргашева она тили фанидан катта балл тўплаб, мактаб шаънини муносиб химоя қилди. Мактабдошларимизнинг эришган ютуқларида ўқитувчимиз М. Эргашевнинг хизматлари катта.

Совриндорларни мактабимиз маъмурияти фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирладилар. Биз мактабимизда шундай ўқувчилар борлигидан фахрланамиз.

**Зухра МИРЗАЁРОВА,**  
Фаргона вилояти,  
Ўзбекистон туманидаги  
8-мактаб, 10-синф  
ўқувчиси.

## ХОТИРА ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИ

Яқинда мактабимиз спорт майдонида мактабнинг собиқ ўқувчиси машхур футболчи Зарфулла Мамарасулов хотирасига бағишлаб футбол мусобақа бўлиб ўтди. Мусобақа очилишида оила аъзолари ва

яқинлари таклиф этилди. Хотира футбол турнирида чакқон харакатлари билан тўп сурган Амир Темур номли 40-мактаб 1-ўринни, иқтидорли болалар лицейи 2-ўринни, бизнинг 46-мактаб футбол жамоаси

эса 3-ўринни олишди.

Мусобақа сўнггида голиб жамоа футболчиларига, энг кўп тўп урган хужумчиларга, мохир дарвозабонларга мактаб маъмурияти ва Зарфулла Мамарасуловнинг яқин-

лари томонидан мукофотлар топширилди.

**Мирзабек АЛЛАЕВ,**  
Жиззах вилояти, Жиззах  
туманидаги 46-мактаб.



## БИЗ ЭККАН НИҲОЛЛАР-УСТУН БЎЛАЖАК

Яқинда синф раҳбаримиздан ҳамма мамун. Биз эса экологияни муҳофаза қилишдек буюк ишга ўз хиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз. Қолаверса келажакда бизнинг ниҳолларимиз катта-катта биноларнинг устун бўлиб, Она Ватанимизнинг кўркига кўрк қўшади.

Яқинда мактабимизда Имом ал Бухорийнинг 1225, Аҳмад ал Фарғонийнинг 1100, ҳамда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган «Иқбол» кизлар беллашуви бўлиб ўтди.

## «ИҚБОЛ» ҚИЗЛАРИ

Беллашув давомида кизлар боболаримизнинг хадисларидан намуналар ўқиб, «Алпомиш» достонидан сахна кўринишлари намойиш этдилар. Боболаримиз Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан, Ислон шоирлар куйлашган дostonдан ёд айтишди. Кечада битирувчи синф қизлари ўз қўллари билан тиккан Имом ал Бухорийнинг расми туширилган кашталарини эсдалик учун

мактаб маъмуриятига тақдим этдилар.

Мусобақага хозирги кунда қарилган гаштини сураётган мактабимизнинг собиқ ўқитувчилари Ражаббой ака Суюнов, Улуғмурод ака Ёрбеков, Абдурасул ака Жаҳонов ҳамда мактаб маъмурияти хомийлик қилдилар.

Қизгин баҳс ва мунозараларда 10-синф ўқувчиси Наврўзова Нигора 1-ўринни, 11-синф ўқувчиси Усмонова Нафиса 2-ўринни, 8-синф ўқувчиси Ёрбекова Гулбахор 3-ўринни эгаллаб, хомийларнинг қимматбаҳо совғаларини олишга сазовор бўлдилар.

**Моҳия УСМОНОВА,**  
Асалоў ЎРОЛБОЕВА,  
Самарқанд вилояти,  
Кўшробот туманидаги  
55-мактаб ўқувчилари.



**Отабек ЖЎРАХЎЖАЕВ,**  
Наманган вилояти,  
Уйчи туманидаги  
1-мактабнинг 5-«А»синф  
ўқувчиси.



Танишув

## ЗИЛОЛА «ОПА» БЎЛМОҚЧИ

Фарғонага йўли тушган одам, албатта, Шохимардонни зиёрат қилиб кайтади. Шохимардонга бориш учун эса Водилдан ўтиш керак. Бошқа йўл йўқ. Шохимардонсой Водилни иккига кесиб ўтади. Водилда- шундай йўл ёқасида минг йиллик чинор бор. Бу чинор ҳақида атоқли шоиримиз Шав-



кат Раҳмон гўзал шеър ёзган эди... Шохимардон йўлларини киши ойларида қалин қор қоплайди, эрта баҳорда тинимсиз ёмғир ёғади. Шу боис Шохимардонга ёзининг ёруғ кунларида борган маъқул. Лекин Водилга ҳар доим бориш мумкин. Хусусан каммина қулингиз Фарғонага борган чоғда Водилга бормасдан қайтмайман. Бунда - ҳали ном қўйилмаган, ном қўйилса ҳам кўпчилик билмайдиган янги маҳаллада жиянчаларим истиқомат қиладилар. Шохимардонга кетаверишдаги БОЖХОНА постининг сўл томонига бурилсангиз - бас, кўча адоғидаги чала битган ховлида бир ўғлон (Дониёр) ва икки кизалоқ (Зилола билан Холисхон) яшайдилар. Ховлига яқин борган пайтингиз ичкаридан «Синба»нинг таниш товуши эшитилади. «Синба» хозир салкам икки яшар, аммо худди кўпни кўрган катта итлар каби дарҳол «парол»ни сўрайди. Токи хонадон эгалари: «Синба, қайт орқага» деб қулоқсиз маллавоини чақириб олмагунча на мехмонни, на йўловчинини танийди. Баъзан мехмон олдида хижолат бўлган Зилоланинг дадаси билан аяси ўзларича режа тузадилар: «Синбани Новқатга элтиб адаштириб келсакмикин ёки Шохимардондаги ачамизга совға қилганимиз маъқулми?» Албатта бундай режа Дониёрдан сир сақланади. Холисхон итни тоққа эргаштириб чиқиб, адаштириб келишни маслаҳат беради. Зилола индамайди. Водилга оқшом тушгач, футбол ўйнаб чарчаган Дониёр ховлида пайдо бўлади ва биринчи навбатда панжарали қутида сақланаётган саъвадан хабар олади. Сўнг-ра оёқ остида саъвага жўр бўлиб вижир-вижир қилаётган Холисхоннинг гапларига қулоқ тутаяди. Саъва бир зум унутилади.

- Дада, яна ўша гапми? - дейди Дониёр аразлаб.

- Нима гап? - дейди Муродил (дадаси) кулимсираб. - Қайси гапни айтгансан?..

- Қайси гап бўларди... Агар «Синба»га бир гап бўлса, мен ўзимни тоғдан ташлаб юбораман, - дейди Дониёр беҳазил.

- Ажабо, бурунги замонда кизлар ўзимни тоғдан ташлайман, деб ота-онасини кўркитишарди. Энди бўлса,

кап-катта йигит шунақа деб ўтирса-я - дейман ёкамни ушлаб.

- Нима бўпти, Водилда тоғ бўлгандан кейин ўйлаб ўтираманми!

- Ундан кўра, киз бола ҳам одам демасанми?

- Тўғри, киз бола ҳам одам, - деб тасдиқлайди Дониёр.

- Киз бола одам бўлса ҳам, бурунги замонларда бирорта киз суймаганига тегмагани учун ўзини тоғдан ташлаган эмас. Йиғлаб-йиғлаб, тушган жойида тинчиб кетаверарди. Киз бола палахмон тоши, тушган жойига ўрнашиб қолади.

- Лекин, тоға, «Синба» палахмон тоши эмас, у ҳеч қачон ташланган жойига ўрнашиб қолмайди, - у барибир қайтиб келади.

- Кўйсанг-чи, Дониш, бирорта йиғлоқ киз қайтиб келмайдиган бегона жойдан «Синба» қайтиб келармиди? - дейман ишонқирамай.

- Киз бола қайтмаслиги мумкин, - лекин «Синба» қайтиб келади, - дейди Дониёр ишонч билан.

- Кўрамиз.

- Йўқ, «Синба» шу ерда яшайди.

- Ие, ундай бўлса, «Синба»нинг қайтиш-қайтмаслигини қаердан билемиз? Ўзинг баҳс бойлашсан, демак синов шартига, амал қилишинг керак.

- Ўзингиз гапни киз болага бурдингиз...

- Мен шунчаки мисол келтирдим холос.

- Мисолингиз керак эмас.

- Майли, ўзинг биласан. Лекин билиб қўй, бу йил Аввалга ўқишга борасан. Агар ит сенга азиз бўлса, «Синба»ни ҳам ўзинг билан олиб кетасан-ётоқхонада бирга яшайсизлар, - дейман жиддий оҳангда.

- Бўпти, - Дониёр шампунни қўлтиғига қисиб, итини тоғ этагидан оқиб ўтадиган ариқ томон эргаштириб кетади. Юнглари шампунлаб юваётганини кузатиб тураман.

- Ака, шу жиянингиз ҳам бирор хунаринг бошини тутармикан? - дейди синглим ажабланиб.

- Тутса керак. Чунки ўзим ҳам кечакундуз еркаллақ толнинг устидан тушмасдим. «самолёт»имда доим сафарда бўлардим, фақат ухлаш учун уйга кирардим.

- Сиз дунё кезиб юрардингиз, бу бўлса... Ха, қақимчи, яна гап пойлашсанми? - деб кичкинтой Холисхонга бирдам танбех беради аяси.

- Ая, қачон мени самолётга чиқарасиз? - деб сўрайди Холисхон.

- Насиб этса ёзда Хоразм томонларга борамиз. У ёқларда тоғанги жўралари бор. Бурунги йили даданглар бориб келишган, бултур ёзда Рўзимбой дойимиз ҳам ҳаммамизни мнҳмонга таклиф этиб кетганлар.

Холисхон суюниб ариқ томон юғриб кетади. У акасида «суюнчи» олаётганини тасаввур этиб ўзимча қулиб қўяман.

Бир четда одоб сақлаб, имо-ишораларимизга маҳтал бўлиб ўтирган Зилоладан: «Ўқишларинг қалай?» - деб сўрайман. «Яхши», - дейди.

- «Кундалик»ни кўрай-чи?

Зилола «Кундалик»ни кўрсатади. «Кундалик» 1997 йилнинг 6-октябрдан бошланган бўлиб, шу кун илк бора «Она тили»дан беш баҳо қўйилган эди. «Она тили» фанидан нима учун «беш» баҳо олганини билмоқчи бўламан. Зилоладан «Она тили» дарсини сўрайман. «Кундалик»да қайд этилган 71-машқни китобдан излаб топаман. Савол: «Кузда қайси қушлар иссиқ ўлкаларга учиб кетади?»

Шу саволни товушимни чиқариб ўқийман. Сўнг, синов назари билан Зилолага қарайман.

- Қалдирғоч, булбул, кизилиштон, саъва...

- Туякуш-чи?

- Агар хайвонот боғидаги қафасни очиб юборишса, туякуш хатто ёз фаслида ҳам Африка қочиб кетса керак.

Иккинчи савол: «Қайси қушлар қишлаш учун биз томонларга учиб келади?»

- Қарғалар... каклик, - деб қўшиб қўяди Зилола бироз ўйланиб.

- Йўғ-е, каклик узокқа учолмайди-ку?

- Акам тоғларга қор тушса каклик овига боради, ёзда каклик овлагани бормайди-ку?

- Каклик ёзда жўжа очади, шунинг учун овлаш мумкин эмас. Хойнахой, Дониёр қачон нима овлашни билса керак, - деб тусмол қиламан.

Зилола хайрон бўлиб қолади. Афтидан қай биримизнинг гапимиз хазил ёки чин эканлигини ўзича чамалаб кўради.

Сукунатдан фойдаланиб, «Кундалик» муқовасини кўздан кечираман: Фарғона тумани, Турсунали Узокков номидаги 18-мактабнинг 3-«Б» синф ўқувчиси Зилола Раҳмонова.

Эринмасдан «Кундалик»даги баҳоларни санаб кўраман: 117 (бир юзу ўн етти) та «5», бешта «4» олган экан, бирорта ҳам «уч» баҳоси йўқ. Дарсга қатнаши, хулқи ва тиришқоқлиги «намунали».

11 октябрь кунини ўқитувчиси «Кундалик» остига: «Кўпайтириш жадвалини ёдласин, билмаяпти», - деб қайд этиб қўйган экан.

- Етти қарра беш неча бўлади? - деб сўрадим ноҳосдан.

- Ўттиз беш.

- Беш қарра етти-чи?

- Ўттиз беш.

- Саккиз қарра тўққиз-чи?

- Етмиш икки.

- Тўққиз қарра саккиз-чи?

- Етмиш икки.

- Октябрь ойида билмас экансан, жадвални қачон ёдладинг?

- Ўшанда ҳам билардим-у, лекин Опамдан уялиб адашиб кетардим, - деди ерга қараб.

- Бунингиз акасига ўхшамайди, уятчаң, - деди аяси изох бериб.

Зилоланинг синф раҳбари Тўтихон ХОЛБЕКОВА эканлар. У киши келаси йили нафақага чиқмоқчилар.

- Водилда аёл ўқитувчини нима дейдилар?

- Опа деймиз, - деди Зилола.

- Ахир, Тўтихон опа сенга «ача», эна қатори экан-ку.

Барибир «Опа» деймиз.

- Қўқонда «Опай» дейишди. Шу томонлардан муаллима бўлиб борган Мунисхон дастлаб «опай» дейишяпти, галати бўлар экан дерди. Майли, ҳар жойнинг ўзига яраша одати бўлади. Қўқон Фарғонанинг бошланиши, - Водил эса адоғи. Боз устига, Водилдан сўнг Қирғизистон...

- Зилола, сен ҳам аянга ўхшаб дўхтир бўласанми?

- Йўқ, мен «Опа» бўламан.

- Ана, Холисхон «опа» деяпти-ку! Яна тагин «опа» бўласанми?

- Синф раҳбаримизни яхши кўраман.

- Уришмаса керак-да?

- Уришмайди.

Уришганда «опа» бўлмасмидинг?

- Шўхлик қилсак ҳам уришмайди.

- «Опа» бўлсанг болалар вижир-вижир қилавериш, миянгни суюлтириб юборишмайдимми?



- Саъва ҳам вижир-вижир қилиб сайрайди, лекин унинг овози мияни суюлтирмайди-ку?

- Тўғри, ниятинг жиддий кўринади. Сен билан 2006 йили «Ким бўлсам экан?» деган мавзуда яна бир марта гаплашамиз. Қани, ўшанда ҳам «Опа» бўлар экансанми?

- Хўп, - деди Зилола, Холисхон бир этак довучча териб келди.

- Ўрик пишганда ё келасиз, ё келмайсиз, ҳеч бўлмаса, боғимиздан гўра еб кетинг, - деди Холисхон.

Дарвоқе, ўтган йили ҳам дўстим Рўзимбой ХАСАН билан Водилга ўрик пишғидан кейин борган эдик. Боғчадаги қандек ўриклар адоқ бўлган экан. Бир тупини тоғамга деб охиригача қўриқлашибди, аммо қушлар чўкиб тамом қилишибди. Ўшанда ҳаммамиз афсусланган эдик. Бироқ ўтган гаплар Холисхоннинг эсида турганмикан ёки акаси...

- Дониёр гап ўргатдимми? Тўғриси-ни айтсанг, Холисхон, мен сенга «Оқ булут соғинчи»ни совға қиламан, - деб сумкачамдан мўъжазгина китобчани чиқардим.

- Акам ўргатгани йўқ, биз Турсуной билан хар кунини, тоғам Тошкентдан келсади, деб баҳслашамиз, - деди Холисхон.

- Турсуной ким ўзи? - деб сўрадим Зилоладан.

- Қўшнимизнинг кизи, Холисхондан бир ёш кичкина - энди учга қиряпти. Аям билан дадам ишга кетганда Холисхон қўшнимизникида қолади, - деб изох берди Зилола.

- Шунақами... Бу китобчани муаллиф эзгу тилаклар билан менга берди, сенга Наргизнинг ўзидан бошқасини олиб бераман. Унгача мактабга борсанг, мустақил ўқишни ҳам ўрганасан. Келишидикми?

- Ха, - деб бошини силқитди. Сўнг: - Мен юзгача санашни биламан, - деди.

- Шу китобчадан тўрт қатор шеър ўқиб бераман:

**«Биз келдик, ҳар галдек,  
лекин бутунлай,  
Деб алдаб қўяман дил -  
болақайни.**

**Шу азиз мехмонни деб  
кўнглин олай  
Ясатар ҳатто кўкдаги  
ойни.»**

- Мен Наргиз опамни танийман. Уларнинг уйлари йўл бошида, - деди Зилола.

- Афсус, Наргизни йўқлаб боролмадим. Лекин келаси сафар албатта йўқлаб бораман. Агар учратиш қолсанг, Зилола, узр-маъзуримни, саломимни албатта етказиб қўйгин, хўпми?

**Қафасдаги саъва сайрай  
бошлади. Демак, эртага кун  
очиқ келади. Демак, эртага  
йўлга чиқишим керак. Лекин,  
албатта қайтиб келаман. Ун-  
гача эсон-омон бўлингиз, азиз-  
ларим!**



# ЭРТАККА КЎЧГАН БОҚЧА

олтин бераман, - дебди подшо.

- Йўк, - дебди мусофир. - Менга олтин керакмас, шахзода тузалганда хаққини ўзим айтаман.

Аввалига подшонинг жахли чиқибди, лекин кейин ўйлаб кўриб, рози бўлибди. «Э, бирон-бир шахарни сўрамоқчидирда», деб ўйлабди.

Эртақлар мамлакатидан бир подшо яшар экан. Унинг Бунёд Мирзо исмли ўғли касал бўлиб қолибди. Беш ёшли шахзоданинг юзидан қони



қочиб, силласи қурир, бошини ёстикқа кўйгани ҳамон кўзи уйқуга кетар экан. Тушида эса доимо кўм-кўк дарахтларни, ранг-баранг гуллар узра чарх урган капалакларни кўрар, ғалати-ғалати кийимли болакайлар билан чопқиллаб ўйнар экан. Уйғонганида эса кўрган тушлари эсидан чиқиб кетар, кун бўйи овқат ҳам емай, олтин шифтга тикилиб ётаверар, ҳатто сарой эртақчисининг эртақларини ҳам эшитмас экан. Шунда подшо бутун мамлакатдаги табибларни чақиртирибди, лекин улар шахзодани даволай олишмабди.

Кунларнинг бирида подшо саройига бир мусофир келибди ва: «Ўғлингизни даволамоқчиман», - дебди.

- Агар ўғлимни даволасанг, бўйинг баробар

Мусофир ўринда беҳол чўзилиб ётган шахзодани кўлига олибди, ўзининг рўдапо кийимлари қатидан шаффоф идишдаги суюқликни олиб ўзи бир сипқорибди, кейин шахзодага ичирибди. Шу заҳотиёқ икковини қайдандир пайдо бўлган мовий ранг тутун ўраб олибди-ю, кўздан ғойиб бўлишибди ва...

Бунёд Мирзо Тошкент деб аталмиш шахри азимдаги болалар боқчасида ўзига келибди. Болалар ҳам, тарбиячи опалари ҳам Бунёд Мирзонинг шахзодалиги-ю эртақлар юртидан келганлигини билишмас, шу туфайли уни оддийгина қилиб Бунёджон деб чақирар экан.

Боқча Бунёджонга жудаям ёқибди. У бу ерда зериктиш нималигини

билмас, соя-салқин майдончада ўзи тенги болакайлар билан мазза қилиб ўйнар экан.

«Семурғ» боқчасидаги болакайларнинг зериктишга вақтлари бўлмас экан. Чунки, эрталаб боқчага келишганидан сўнг боқча опалари билан бирга бадан тарбия қилишар экан. Кейин Фариди, Зина, Машкура, Дилфуза ва Гулчехра-ошпаз опалари пиширган ширин таомларни мазза қилиб уриб олишгач, ҳар бир бола ўзи ёқтирган машғулот билан шуғулланар экан.

Боқчада ташкил этилган «Маънавият ва маърифат» хонасида Бобожон Окила опалари бошчилигида болакайлар ўзбек халқининг миллий чолғу асбоблари билан танишадилар. Тарбиячи Дилфуза Аширматова болаларга ҳар бир чолғу асбобининг пайдо бўлиш тарихини сўзлаб, уларнинг қандай қилинишини кўрсатиб беради.

«Семурғ» боқчасида болалар у-шу кураши билан шуғулланадилар. У-шу тўғарагидаги машғулотларни спортчи Жўра Садиров олиб боради. Бунёджон ҳам Жўра акасининг гуруҳига ёзилиб, кураш билан шуғуллана бошлабди. Отасининг саройида ўйнаёлмай кун бўйи эртақ эшитиб ўтираверган Бунёджоннинг билакларига кун сайин куч тўлиб, кучига куч қўшилаверибди.

Бунёджон курашдан ташқари яна бокс билан ҳам шуғуллана бошлабди. Бокс тўғарагида у Лазиз Собиров исмли болакай билан дўст бўлиб олибди.

- Мен худди Артур Григорян сингари машҳур боксчи бўламан, - деб мақтанибди Лазиз Бунёджонга. - Балки, ундан ҳам зўрроқ бўларман.

- Григорян деганинг ким ўзи? - сўрабди Бунёджон тушунмай. - Пахлавонми у?

- Вой, сен Ойдан келганмисан, нима Артур

Григорянни танимайсанми? - ажабланибди Лазиз.

- Ахир у бокс бўйича дунё чемпиони-ку?

Бунёджон индамабди, лекин ичида ўзи ҳам худди Артур Григорян сингари зўр боксчи бўлишни ният қилиб қўйибди.

Боқчадаги қизчалар эса, турган гап, бокс ёки у-шудан кўра, мушиқа ёки аэробика билан шуғулланишни, бўш вақтларида эса қўғирчоқларига кўйлакчалар тикиб, дугоналарини меҳмон қилишни хуш кўрар эканлар. Шу туфайли ҳам боқчада 17 йилдан бери ишлаб келаётган тарбиячи Алиева Мав-



луда, Комила Сулаймонова уларга ўзбек халқининг қадриятлари ва миллий анъаналарини ўргатар экан. Қизчалар меҳмон кутиш, дастурхон тузаш санъатини ўрганар эканлар.

Шифобахш ўсимликлардан шарбат тутиб турадиган Нияра опаларини айтмайсизми?!

Тренер Людмила Викторовна Кочетова билан бирга бажонидил аэробика машғулотларини бажаришар экан. Светлана Александровна Корнева ва Антонина Сергеевна Чен каби тарбиячи опалари эса бола-



## Кичкинтой

ларга санъат ҳақидаги билимларни синдириб боришаркан. Боқчада болаларга 3 ёшдан бошлаб инглиз тили ўргатишаркан.

Бунёджон бир йил «Семурғ» номли 480-болалар боқчасига қатнабди. Бир йил ичида у анчагина ўсибди, кучкуватга тўлибди, тарбиячи опалари ва спорт тренери Жўра акасидан жуда кўп нарсаларни билиб олибди. Ва, ниҳоят, унинг эртақлар мамлакатига қайтадиган кунни келибди.

Мусофир одам Бунёджонни отасининг саройига олиб келса, у ўғлининг топилишидан умидини узиб, хомуш ўтирган экан. Ўғлининг соғайиб, бақувват бўлиб кетганини кўриб подшо хурсанд бўлибди.

- Подшоҳим, ўғлингизни соғайтириб келдим, энди хаққини тўланг, - дебди мусофир ва сергак тортган Бунёджонга қараб кўз қисиб қўйибди. - Мен хоҳлайманки, эртақлар салтанатида ҳам болалар бокчалари курсангиз.

Подшо ўғлининг соғайганидан шунчалар суюнибдики, дарҳол саройи қошида болалар учун боқча қуришни буюрибди. Иш ўрганиш учун билимдонларини айнан шу Юнусобод туманидаги Муаззам Собирова раҳбарлик қилаётган «Семурғ» номли 480-боқчага сафарбар қилдирибди.

Бунёдмирзо эса баъзан-баъзан боқчадош ўртоқларини, тарбиячи опалари ва Жўра акасини соғиниб қоларкан. Шунинг учун ҳам салтанатдаги янги боқча битиши биланок уни «Семурғ» деб аташни отасидан илтимос қилибди.

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА



Расмни чизган  
рассом кўп хатога  
йўл қўйган. Уни  
топинг-чи.

# ЁШ ИҚТИСОДЧИ

## YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова  
иқтисодий газета



## ТАЁҚНИНГ ИККИ УЧИ

ёхуд “илму ҳунар” ибораси хусусида

### Биринчи кўриниш

Ровийларнинг дараклашича, Мозандарон элининг подшоси Афрўзоннинг қизи Фарангиз бонунинг бўйи етиб, ҳусни жамолининг таърифи бу ёғи Турку Ироқ, у ёғи Майсараю Маймана, Руму Шомгача тарқалибди. Фарангиз бонунинг висолига етмоқни истаганлар чор тарафдан селдай оқиб кела бошлабди. Яна қандай совчилар денг, бундайроғи вазир бўлса, қолганлари шаҳзодаю подшолар экан.

Афрўзоннинг хўп боши қотибди. Не қиларини билмай вазири Талҳакка маслаҳат солибди. Талҳак шохга шундай дебди:

- Оламpanох, сиз умр савдосини қилиш тараддудида турибсиз. Бу шундай савдоки, у бойлигу қимматбаҳо дурдоналар билан ўлчанмайди. Унинг ўз мезонлари бор. Булар - илму ҳунар. Сиз куёвларни илму ҳунар тарозисига солиб танланг. Чунки, бойлигу иззат-эътибор ўтади-кетди. Илму касб-ҳунар эгаси учун бир умрлик мерос.

Бу гаплар Афрўзонга маъқул келиб, талабгорларга илму ҳунар бобида беллашмоқни тавсия қилибди. Шу тахлит Фарангиз бонуга муносиб куёв танланибди.

### Иккинчи кўриниш

Зайниддин Восифий “Бадое-ул вақое” (“Ажойиб воқеалар”) асарида ҳикоя қилишича, Амир Алишер Навоийнинг Мирҳайдар исмли хияни бор экан. У ширинсухан, нозиктаъб шоир, илмли бир йигит бўлиб етишибди.

Аммо, айни салоҳияти камолга етган бир паллада бирдан узлатга чекиниб, қаландарликни ихтиёр этибди.

Бир куни Хирот кўчаларида “Ҳақ дўст, ё Аллоҳ” дея зикр тушиб юрган Мирҳайдарни кўриб қолган Навоий хизматкори орқали уйига чақиртирибди. Улар орасида шундай суҳбат кечибди:

- Не ишлар билан машғулсиз, иним Мирҳайдар?  
- Кўриб турганимиз, ҳазратим.  
- Кўриб турганим - қаландарлик иш ҳисобига ўтарму?

- Неча йил заҳмат чекиб ўрганган илмингиз зое кетмишму? Бир ҳунар ила машғул бўлсангиз аъло эмасми?

- Сизнинг салоҳиятингизу нуктадонлигингизни фақат зикр учун сарфлаб юрибсизми? Илм ўз амали билан гўзал. Унинг амали - ҳунар.

**Илм Навоий сенга мақсуд бил,**  
**Эмди илм ўлди, амал айлагил.**



### Учинчи кўриниш

Бир куни Шайх Баҳоуддин Нақшбанд хузурига бир йигит келиб, маърифат даъво қилибди. Шариат, тариқат илмларини сув қилиб ичиб юборганман деб оғиз кўпиртирибди.

- Нима ҳунар қиласан? - деб сўрабди Шайх Баҳоуддин.

- Ҳеч қандай ҳунарим йўқ, - жавоб берибди йигит.

Шунда Ҳазрат Баҳоуддин айтибдилар:

- Илмингдан ўзинг наф кўрмаётган экансан, ундан халқ билан Аллоҳ наф кўрармиди.

### Тўртинчи кўриниш

#### ГУЛХАНИЙДАН ЭСЛАТМА

Машҳур зарбулмасалчи бобомизнинг “Маймун ила нажжор” масали барчанинг наздида шуҳрат тутган. Кўлидан келмайдиган ишга уриниб, думи кундага қисилиб қолган, бирор касби йўқ бетайин маймуннинг аҳволини такрорлаб, яна сизнинг меъдага тегишдан парҳез этамиз. Бироқ, масалда келтирилган тўрт мисра хулосани ҳукмингизга ҳавола этсак, фойдадан холи бўлмас:

**Башарга тож бўлур бу бир касбдур,**  
**Касбни бошина кийсанг насбдур.**  
**Эл аро достон эрур бу қиссаси,**  
**Қолди анинг думчасининг хиссаси.**

### Бешинчи кўриниш

#### ёхуд бугуннинг саҳнаси

Азалдан Шарқда комилликка икки мезон кўйилган: илму ҳунар, маърифату касб. Шу икки унсур уйғунлиги такомил пиллапоясига етаклаган. Юқорида келтирилган тафсилотлар ушбу ҳақиқат исботидан бир томчи.

Мазкур аъназдан келиб чиқиб,

куни кеча **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида” ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларини қабул қилди.** Ҳар иккала қарор ҳам биз юқорида таъкидлаб ўтган такомил мантиғи - билим ва касб уйғунлигини таъминлашга қаратилган.

Неча-неча замонлар айнан мана яхлитлик айро-айро пароканда қилиб юборилди. Бир пайтлар “ПТУ” деган ўқув юрти бўларди. Бу даргоҳ мактабларнинг ўзлаштирмовчи ўқувчиларни “бадарға” қиладиган маконига қўйиларди: “Ўв бола, ўнглсанг ўнглан, бўлмаса ПТУга жўнайсан”. Хуллас, ҳунар мактаблари ана шундай иккинчи даражали ўқув юртлари ҳисобланарди. Хўп, улар шундай бўлганига яраша, мактаблардаги касбга йўналтириш ҳам бинойидай эмас эди-да. Меҳнат дарсларни ҳам қуруқ назарияга айланиб қолди. Бундан буён ушмундоқ тизимнинг давом этиши бир жойда депсинишга олиб келади, холос. Шу боис, Қарорда жумладан шундай дейилди: **ўрта таълимнинг таълим дастурлари:**

**ўқувчиларда меҳнат кўникмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлашга ва атроф-оламга онгли муносабатни ҳосил қилишни;**

**1-9 синфлар ўқув дастурларининг академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш дастурлари билан ўзаро ўзвий боғлиқлигини таъминлаши лозим.**

Токи, комилликни ҳар икки мезони - илму ҳунар бақамти юрмас экан, номукамаллик юкидан халос бўлиш даргумон. Ватанимиз келажаги йўлида эса комил ёшлар камарбаста бўлиши керак.

**Асқар ШОКИР.**

### УШБУ СОНДА:

... Ҳа. Замон ўтаверган сари инсоннинг иши ҳам энгиллашиб бораверар экан. Компьютер оғир ишимизни шунчалик энгиллаштирар эканки, кўриб кўзим қувнайди.

**ҚУТБИ ОПАГА ҚУТ БЕРГАН КАСБ**

### 7-БЕТ

Катталар суҳбатлашиб ўтиришар экан, гапларига кулоқ солмадим-у, лекин Суюма опанинг “Одамни одамга илинаман” деган сўзлари менинг ҳаёлимни жалб этди.

**ОДАМНИ ОДАМГА ИЛИНАМАН...**

### 8-БЕТ

Машҳур шоиримизнинг хайқирғи ўзбек халқию Беруний бобомизгагина тегишли эмасга ўхшайди. Яна талай кимсаларнинг Колумба алами борга ўхшаб кўринади.

**„КОЛУМБА БОР АЛАМНИ МАНУМ...“**

### 9-БЕТ

Замонавий кийим-кечак ишлаб чиқарадиган йирик корчалонлар ўз савдо русумлари ва меҳнатлари қадрига етишади. Ҳамиша маҳсулотларининг умрини узайтириш пайида бўлишади.

**ЁРЛҚЛАР НИМА ДЕЎДИ?**

### 10-БЕТ


Иоханнесбурглик мактаб ўқувчилари Петер Баухер ва Гордон Юилл 80 соат 20 июндан 23 июнгача эскалаторда учиб, жаҳон рекорди ўрнатдилар.

**ХАНДОБУС**

### 11-БЕТ



### 12-БЕТ





# РЕКЛАМАГА ДОИР ФАОЛИЯТ

Реклама бирор корхона, муайян турдаги буюм, хизмат ёки ижтимоий ҳаракатнинг эл орасида ном чиқаришини таъминлаш учун товарга, хизматга одамлар диққатини жалб этиш, буларни кенг маълум қилиш, улар тўғрисидаги маълумотларни тарқатиш мақсадида олиб бориладиган фаолиятдир. Моҳирлик билан ташкил этилган реклама бозордаги харидорларнинг хоҳиш-истаги ва истеъмолчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини бошқариб боришда ёрдам беради.

Рекламанинг тарихи узоқ. У товарни истеъмолчиларга ўтказишнинг неча ўн йиллар давомида синовлардан ўтган усул-амалларидан фойдаланилади. "Реклама - савдо-сотиқнинг жони" деган гап бежиз айтилган эмас.

Рисоладагидек росмана ривожланиб бораётган бозор шароитларида буюмларни истеъмолчи оладиган бўлиши учун уларнинг кўпчилигини теггишчи ҳозирлаш, фаоллик билан тижорат тарғиботини олиб бориш керак бўлади.

Рекламанинг асосий вазифаси - товарлар ва хизматлар тўғрисида, уларнинг қай тарихи ва қаерларда сотилиши тўғрисида махсус ахборот воситаларидан фойдаланиб туриб, сўзлаб беришдир.

Лекин рекламанинг вазифаси биргина ахборот беришнинг ўзи билан чекланмайди. Рекламанинг ўзига хос томони шуки, у ахборот беришни тарғиб ва ташвиқот қилишни ишонтириш билан бирга олиб боради.

Рекламанинг пировард мақсади - бозорда тақдим этилаётган товарларга харидорлар рағбатини оширишдан иборат. Реклама қилинаётган буюмлар режалаштирилган реализация ҳажмига мувофиқ кўпроқ сотиладиган бўлиши керак. Бу мақсадга босқичма-босқич эришиб борилади. Лекин ҳар бир босқичда турли вазифалар ўртага қўйилади: харидорлар диққатини товарга жалб этиш, уларда қизиқиш уйғотиш, эҳтиётларни шакллантириш, одамларнинг харид қобилиятини молни муайян савдо корхонасидан сотиб олишга йўналтириш шулар жумласидандир.

Реклама ишининг турли шакллари билан фойдаланилади. Реклама фильмлари, эшитириш ва кўрсатувлари, плакатлар ва варақалар, атайлаб ишланган витриналар, кўргазмалар, реклама компаниялари ва бошқалар ана шундай иш шакллари биландир. Реклама сановат корхоналари билан савдо корхоналари манфаатларининг пайваста бўлиб бирга қўшилишига, аҳоли талабини қондириш ва истеъмолни мақсадга мувофиқлаштириш учун тижорат сиёсатини тўғри олиб боришга имкон беради. Бироқ, биргина рекламанинг ўзи у ёки бу турдаги буюмларни кўпроқ сотишга ёрдам беради, деб ўйлаш соддалик бўлур эди. Харидорларнинг аҳди-қарори товарнинг сифатига ҳам, баҳосига ҳам, ўрвининг турига ҳам, шунингдек сотувдан кейинги хизматга ҳам боғлиқдир.

Рекламага доир фаолият маркетинг хизматларининг таркибий қисми бўлиб, унинг

ёрдамида корхонанинг бозордаги мавқеи бевосита ёки билвосита йўл билан мустаҳкамланади, таклиф этилаётган товарлар ва хизматларни сотиш жонланади.

Реклама билан бир қаторда қуйидагилардан ҳам фойдаланилади:

"*сотувга ёрдам бериш*" - товар ёки хизматларнинг сотувчини эришилган даражада сақлаб бориш учун қилинадиган қисқа муддатли ишлар. Масалан, товарларга бепул бериладиган бонлар, товар намуналари, уларни мукофотга бериш, буюмларнинг қандай ишлашини намойиш этиш, баҳоларни пасайтириш, имтиёзлар белгилаш, бепул хизматлар кўрсатиш ва бошқалар шулар жумласидандир;

*дилер-агентлар, коммивояжерлар ёрдамида молларни сотиш* - булар янги товарларнинг афзаллик томонларини, уларни ишлатиш усуллари ва бошқаларни тушунтириб берадилар;

"*Паблик рилейшиз*" - жамият билан алоқа ўрнатиб, уни йўлга қўйиш, яъни фирма шўхратини ёйиш учун махсулот ёки хизматларни тарғиб этиш, реклама қилиш;

"*Паблицити*" - мутахассислар ва улгуржи харидорларга мўлжалланган хўжалик тарғиботини олиб бориш. Худди "Паблик рилейшиз" сингари, "паблицити" дан мақсад товар ва хизматлар сотувчини тўғридан-тўғри кўпайтириш эмас, балки корхона, унинг маркасини ва товар маркасини тарғиб этишдир;

*реклама кампаниялари*, ярмаркалар, кўргазма-сотувлар ва товар реализация қилишнинг бошқа шакллари.

Реклама маълумотлари қутилмаган, янги бўлиши, одамнинг ҳис-туйғуларига таъсир ўтказадиган бўлиши билан ажралиб туриши керак. Бундан ташқари, реклама товарнинг харидор эътибор бермаслиги ҳам мумкин бўлган хоссаларини кўрсатиб берадиган бўлмоғи лозим. Товар бозорига кириб, ҳаётнинг цикли ўсиб бораётган даврда реклама айниқса зарур. Рекламанинг маълум бир доирага, яъни бозорнинг муайян сегментларига қаратилган, истеъмолчиларнинг ҳар хил гуруҳларига тушунарли, одамларнинг эсида қоладиган бўлиши шарт.

Реклама билан муурожаат этиш учун оммавий ахборот воситалари: газеталар, журналлар, радио, телевиденидан, шунингдек алоҳида нашр этиладиган варақалар, буклетлар, афишалар ва бошқа реклама ишларидан фойдаланилади. Ёдгорлик рекламаси ҳам бор: календарлар, авторучкалар, ён дафтарлар, халтача ва бошқалар шулар жумласидандир. Реклама учун стадионлардан ҳам, кинотеатрлар, транспорт воситалари, уйларнинг олд деворларидан ҳам фойдаланилади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда реклама - соҳа индустриясидир. Реклама фаолияти билан махсус реклама агентликлари шугулланади, улар корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари билан реклама соҳасида тадқиқотлар олиб борадилар,

унинг самарадорлигини ўрганадилар, кон-крет реклама буюртмаларини бажарадилар. Рекламага сарфланадиган харажатлар ҳам товарлар чакана баҳосининг ярмини ташкил этади.

Рекламага доир ҳар бир иш самара берадиган шароитда бажарилиши керак. Масалан, реклама материаллари почта орқали юборилганида ёки эълон босиб чиқарилганида реклама қилинаётган товарлар бирмунча қисқа вақт ичида сотилиши лозим. Реклама ишларининг самарадорлигини уларни бошлашдан аввалги ва ўтказиб бўлгандан кейинги сотувлар ҳажмларини солиштириш йўли билан аниқлаш мумкин. Узоқ давом этадиган реклама акциялари (реклама компаниялари) бутунлай бошқа масала. Уларнинг самарадорлиги дарров маълум бўла қолмайди.

Шундай қилиб, реклама ва талаб бир-бирига боғлиқ, чунки реклама талабга таъсир ўтказиш усулидир.

Маркетинг дастури талабнинг пасайиб кетишига йўл қўймай, уни аввалги даражада сақлаб туришни кўзда тутадиган бўлса, бу ҳолда қўллаб-қувватловчи рекламадан фойдаланилади. Ундан мақсад товарни харидорлар эсига тушириб туришдир. Ўзлаштириб олинган бозор имкониятлари энди тугаб битган бўлса, реклама янги бозор сегментларини ёки реклама қилинаётган буюмларнинг афзал хоссаларини мўлжал қилиб олади. Масалан, товарнинг истеъмолда удум бўлиб қолгани, нуфуздорлиги, модага тўғри келиши ва бошқалар далил қилиб келтирилади ва ҳоказо.

Шундай ҳодиса ҳам бўладики, маркетинг дастури талабни (масалан, тамаки махсулотларига бўлган талабни) камайтиришни вазифа қилиб қўяди. Бундай ҳолларда антирекламадан (чекишнинг ҳалоқатли таъсири тўғрисидаги рекламадан) фойдаланилади.

Борди-ю, талабни ошириш, сотув ҳажмларини кўпайтириш вазифаси кўндаланг турган бўлса, реклама ишлари товар ҳаёт циклининг муайян босқичларида рекламанинг барча усул-амаллари ва воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Янги талабни пайдо қилиш ва талабни бошқа товарга ўтказишга қаратилган реклама ҳам турли хил воситалардан фойдаланиш йўли билан олиб борилади.

Реклама харидорларни бозорда таклиф этилаётган товарлар ва хизматлар билан таништиради. У тижорат корхоналарида фаолиятининг таркибий қисми бўлиб, анчагина пул маблағларини сарфлаш билан боғлиқдир. Бироқ, бу харажатларнинг самараси уларга кетган пул миқдорига ҳамisha ҳам мутаносиб бўлавермайди ва рекламани режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказишда тижорат корхоналари қўлланадиган усул-амаллар, воситалар ва иш шаклларига кўп даражада боғлиқ бўлади. Тижорат ахбороти ва реклама воситалари ҳозир шу қадар кўп ва турли-туманки, одамлар бу ахборотнинг

ҳаммаси билан танишиб чиқиш ва шунга қараб маълум бир қарорга келишга қодир бўлолмайдилар. АҚШда ўтказилган текшириш натижаларига кўра, ўртача америкалик ҳар куни 1600 реклама хабари таъсирига учраб туради. Ана шунча хабарларнинг кичик бир қисмигина америкалик кишининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб, унда қизиқиш уйғотиши мумкин, холос. Баъзи маълумотларда қараганда ҳар кунги 1600 та хабар атиги 76 нафар (яъни 5 фоизга яқин) кишининг диққатини ўзига жалб қилса, бошқа маълумотларга қараганда, 83 кишининг диққатини жалб этади.

Ҳарбадаги энг йирик реклама ва тижорат фирмалари ўзларининг амалий фаолиятларида реклама компаниясидан аввал истеъмолчиларга руҳий жиҳатдан таъсир ўтказишнинг шу кампания самарадорлигини оширадиган турли-туман усулларини олдиндан ўрганиб чиқишга тобора кўпроқ аҳамият бермоқдалар. Ана шунга ўрганиб чиқилганидан кейин реклама берувчилар билан истеъмолчиларнинг тил топишишлари енгиллашади, харидорлар аҳлини аниқлаб олиб, реклама хабарларининг шакли ва мазмунини уларнинг ижтимоий аҳволига яраша белгилаш осонроқ бўлади.

Бу ишнинг энг муҳим томони қуйидаги саволларга жавоб топишдир:

Биринчидан, истеъмолчиларнинг диққат-эътиборини рекламанинг қандай воситалари билан ҳаммадан кўра кўпроқ жалб этиш мумкин?

Иккинчидан, хабарларда қандай далил-исботлар истеъмолчиға ҳаммадан кўра кўпроқ таъсир қилиши мумкин?

Учинчидан, ахборотни узатишнинг энг маъқул воситалари (каналлари) қанақа ва улардан фойдаланиш усуллари қандай?

Сўнгги йилларда телевизион рекламанинг роли айниқса ортиб бормоқда. Сарф-харажатларининг ҳажми 80-йилларнинг ўрталарида АҚШ ва Ғарбий Оврупо мамлакатларида ҳамма реклама сарфининг 17 фоизини ташкил этди. Қуйидаги жадвал баъзи мамлакатларнинг реклама харажатлари тўғрисида маълумот беради:

Мамлакатлар	Реклама харажатлари	
	ички миллий махсулот миқдорига нисбатан, фоиз ҳисобида	аҳоли жон боши ҳисобига олинганда, доллар
Австрия	1.23	
Буюк Британия	1.27	39.6
Голландия	1.29	56.8
ГФР	0.73	11.79
Дания	1.3	69.67
Италия	0.68	17.0
Финляндия	1.5	54.66
Франция	0.78	37.75
Швейцария	1.82	114.49
Швеция	1.01	61.71
Япония	1.01	

## МАХСУЛОТИНГ ҲАҚИДА БОЛАЛАРГА АЙТ, ОЛАМГА ДОСТОН БЎЛАДИ!

ВИЛОЯТ ВА ШАҲАР КИТОБ САВДОСИ ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР, КОРХОНАЛАР, ТАДБИРКОРЛАР, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ БАРЧА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ҲАМДА ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

### "ЎҚИТУВЧИ" НАШРИЁТИ 1998 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ

ўрта мактабларнинг 2-11 синфлари, академик лицейлар, гимназиялар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун мўлжалланган барча турдаги дарсликлар ва қўлланмаларни

#### ОЧИҚ САВАОГА ЧИҚАРАДИ

ва уларга чекланмаган миқдорда

#### БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртмалар ҳақон андозаларига мос, ЮҚОРИ СИФАТ билан тайёрлаб берилади. Тўловлар исталган турда.

#### МУҲТАРАМ ТАДБИРКОРЛАР!

25 фоиз савдо чегирмаси билан дарслик ва қўлланмаларни биринчи қўлдан олишга шошилинг, бундан ўзингиз ҳам даромад олишингиз мумкин, ҳаменингизга ҳам фойда!

1998 — ОИЛА ЙИЛИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГИ!



#### Мурожаат учун манзил:

700129. Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй, "Ўқитувчи" нашриётининг "Савдо-тижорат бўлими".  
Телефонлар: 144-22-92, 144-23-86. Факс: 144-26-89.



## ҚУТБИ ОПАГА ҚУТ БЕРГАН КАСБ

Азиз ўқувчилар!  
Маълумингизки, бундан бир неча муддат олдин “Кўпни кўриб фикр қил” деб исм кўйилган сўровномани хукмингизга ҳавола этган эдик. Бундан муддаомиз кўнглингизни алағда қилаётган муаммоларни, сизни қизиқтираётган мавзуларни илғаб, шу аснода фаолиятимиз йўналишини белгилаб олиш эди.

Мазкур сўровнома дарж этилгач, сизлардан кетма-кет мактублар кела бошлади. Сонсиз-саноксиз. Қанчалиги хусусида яна ҳам чуқурроқ маълумот олиш учун қизиқётган бўлсангиз, марҳамат, айтишимиз мумкин: бу йилги баҳор ёмғири-ча!

Биз бежиз мактубларингиз сонини баҳор ёмғирига менгзамадик. Биласиз, кўкламда ёгин-сочин қанча мўл бўлса, ҳосил ҳам шунча қад ростлаб, Заминга қут-барака чиппа ёпишади. Бинобарин, мактубларингиз ҳам “Ёш иқтисодчи”га қут-барака ато этиши шубҳасиз. Энди, йил давомида ушбу ҳосилдан баҳраманд бўлиб, агар лозим топсангиз деҳқонни (яъни, “Ёш иқтисодчи” ижодкорларини) алқаб юраверасиз.

Номаларингиз бизга катта туртки берди. Янги-янги мавзулар тақдим қилди. Ана шулардан бири - турли касблар ҳақида ҳикоя қилиш. Аксарият мактубларда худди шу нарса - ҳар хил касблар ҳақида маълумот бериш, ўша касб эгалари билан суҳбатлар уюштириш таклиф қилинган.

Биз мазкур таклифларни ҳисобга олиб, “Касблар оламида” деб аталмиш янги рўкни ташкил этдик. Унда ўз касбининг усталари бўлмиш турли кишилар билан қилинган мулоқотларни таважжухингизга етказамиз.

Демак, хизматингизда янги рўкн: “Касблар оламида”. Манзилни эса “матн кўчирувчи” касби тевагаида белгилаймиз. Бу қандай ҳунар бўлди, дея шошилманг. Ҳозир батафсил билиб оласиз. Хуллас, марҳамат:

Дарвоқе, Қутби опа Фозилова кўксига кўша—кўша нишон тақиб, давраларнинг тўрида савлат тўкиб ўтирадиган қахрамон ёки “биз ундоқ қилодурмиз”, “биз бундоқ қилодурмиз” дегувчи, диққат марказидаги “хизмат кўрсатган” ишчи эмас. Тўпориғина ўзбек аёли. Матн кўчирувчи. “Маърифат” газетасининг маърифатли матнларини яна ҳам маърифатли қилиб кўчирадилар.

— Қутби опа, касбингиз тўғрисида ўзингиз ўқувчиларни хабардор этсангиз.

— Матн кўчириш матбуот ишида ўзига хос ўрин тутса керак. Журналистлар ёзган, тахрирдан чиқарган мақолалар, хабарлар бизга — матн кўчирувчиларга бериллади. Биз уларни ёзув машинкалари (ёки компьютерлар)да чиройли, саводли қилиб ёзиб беремиз. Бир қарашда оддийгина ишдай кўринади. Лекин бунинг учун ҳам тил қодаларини мукамал билиш, тезкорлик, чидам, сабот керак бўлади. Чунки қанча тез ва хатосиз ёзсангиз, журналистлар ҳам шунча ҳурсанд.

— Ёшлигингизда “катта бўлсам, албатта матн кўчирувчи бўламан” дея орзу қилмаган бўлсангиз керак.

— Қаёқда дейсиз. Саккизинчи синфдалигимдаёқ ишга кирганман. Урушдан кейинги қийинчилик даврлар. Яқинимизда бир фабрика бўлгучи эди. Дарсдан кейин ўша ерга ишга қатнайман. Мактабни битирган йилим ўқишга ҳужжат топширдим. Омадним чопмади. Яна фабрикада ишлаб юравердим. Бирга ишлайдиган бир аёл “Машиносткалик курси бор, уч ойлик. Ёш нарсасиз, ўқиб кўйинг, зиён қилмайсиз” деб маслаҳат берди. Ҳа, мендан нима кетди, дедим кирдим, шу ўқишга. Уч ой ҳам кўз юмгунча ўтди—кетди. Бир куни денг уйга опам келиб қолдилар. Ойимнинг туғилган кунлари эди, шекилли. Қўллариди газетга ўроқлик нарса. Қарасам, бир кийимлик қарғашойи атлас. Аёллик—да,

Мана, “Касблар оламида”ги илк саёҳатимиз поёнига етди. Кейинги сафар сизга журналистлик касби ҳақида ҳикоя қилиб бермоқчимиз. Бунда сиз таниқли журналист Абдулла Турдиев билан учрашасиз. Келгусида журналист бўлишни орзу қилган ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларини тахририятимизга йўллашлари



Қутби опа турмуш ўртоғи Абдували ака ва ўғли Абдумурод билан (1984 йил).

хўп томоша қилиб, тўйиб олгач, сандикнинг бир четига ташладим—у, газетни кўтариб ташқарига чиқдим. Йўл—йўлакай, у ёқ—бу ёғига кўз югуртирган бўлдим. Бирдан эълонга кўзим тушмасинми: “ёзув машинкасида ёзишни эплайдиган қизларни ишга таклиф қиламиз”. Ўқиган кўзларим чақнаб, юзларим ёришиб кетди. “Бораман, олишса олишар, бўлмаса қайтиб келавераман” деган хаёлни кўнглимга тугиб, эртаси куни суриштириб, топиб бордим ўша жойни. “Тошкент ҳақиқати” газетаси экан. Синаб кўришди, ёздирди. Маъқул келди чоғи, “эртадан келиб иш бошлайверинг” дейишди. Бу энди 1966 йилнинг гапи.

— Қандай қилиб синаб кўришган эди?

— Машиносткалик курси бор, уч ойлик. Ёш нарсасиз, ўқиб кўйинг, зиён қилмайсиз” деб маслаҳат берди. Ҳа, мендан нима кетди, дедим кирдим, шу ўқишга. Уч ой ҳам кўз юмгунча ўтди—кетди. Бир куни денг уйга опам келиб қолдилар. Ойимнинг туғилган кунлари эди, шекилли. Қўллариди газетга ўроқлик нарса. Қарасам, бир кийимлик қарғашойи атлас. Аёллик—да,

— Ишга қабул қилинган кунингиз энг қувончли дамлардан бири сифатида хотирангизда қолган бўлса керак.

— Тўғри. Бироқ бу қувончим фақатгина ишга қабул қилинганим туфайлигина эди, холос. Касбимга эса ҳали унча иштиёқим йўқ эди. “Меҳр — кўзда” дейишади—ку. Ҳақроств гап экан, шу. Касбингизда ишлайверганингиз сари, меҳрингиз ҳам ошавераркан, тажрибангиз ҳам ортиб борар экан.

Мен Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультети кечки бўлимини йўл—йўлакай битирганман. Мактабда ҳам ишлаб кўрдим. Лекин бу ишга очиги кўнглим ҳадеганда исийвермади. Матн кўчирувчилик тортаверади ўзига. Яна шу ишга қайтдим. Мен бу касбни айна ишга чанқоқлик пайтимда эгаллагандим—да. Қорнингиз оч пайти еган нарсангизнинг таъми бир умр оғзингизда қолади—ку. Бу ҳам худди шундай. Шунинг учун ўқувчиларга маслаҳатим шуки, ҳозирдан бир касбининг этагини тутишин. Ўшанда уларда касбга нисбатан қаттиқ меҳр уйғонади. Эскиларнинг гапи бор: меҳрли иш, сеҳрли иш.

— Сизларнинг касбингизда асосан аёллар ишлашади. Бу ишда онда—сонда эркаклар ҳам учраб турадилми?

— Билмадим. Лекин мен билган—таниган ҳамкасблар

мумкин. Абдулла акангиз ушбу саволларга жавоб бердилар. Дарвоқе, яна секингина шипшитиб кўйишимиз ҳам мумкин: Абдулла акангиз шоир ҳам. Бўлажак шоирлардан ҳам саволлар кутиб қоламиз.

Демак, савол сиздан, жавоб журналист, шоир Абдулла Турдиевдан.

римнинг ҳаммаси аёллар.

— Ҳозир матн кўчириш ҳам тўла—тўқис компьютер кўлига ўтяпти...

— Ҳа. Замон ўтаверган сари инсоннинг иши ҳам енгиллашиб бораверар экан. Компьютер оғир ишимизни шунчалик енгиллаштирар эканки, кўриб кўзим қувнайди. Матнни компьютерда териш ёшларга айниқса, зеб тушади—да. Шунинг учун бу касбни танлашса, кам бўлишмайди. Бу ёғи энди замон шу машиналарники. Улар билан тиллаша олган ютади.

— Касбингиз учун асосий фазилат нима деб ўйлайсиз?

— Бошқаларни билмадим, мен хушмуомалаликни қадрлайман. Чунки, журналистлик — оғир касб. Қоғозларга ўралашавериб, хун бўлиб кетишади, бечоралар. Ўша пайтда бир оғиз ширин сўз айтиб, ёзган нарсасини мактаб кўйсангиз, кўнгиллари тоғдек кўтарилади. Ҳа, ижодкорлардек болафеъл кишилар топилмайди.

— Дақки эшитган пайтларингиз ҳам бўлганми?

— Албатта. Ишлаган дақки ҳам эшитади, мақтов ҳам. Ишламаган нимани эшитарди.

— Ҳозиргача кўчирган матнларингиз тоғдек келиб қолгандир?

— Тоғча бўлмаса ҳам, қирча бордир (қулади).

— Ўқувчиларга қандай тилаклар билдирардингиз.

— Аввало, касбининг яхши ёмони бўлмайди. Ҳаммаси шу халқимиз, шу Ватанимиз учун. Танлаган касбларига чин дилдан эътиқодли бўлишин. Шунда обрў ҳам, иззат ҳурмат ҳам, муваффақият ҳам келаверади.

Асқар ШОКИР.

МАНЗИЛИМИЗНИ ЯНА БИР БОР ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 2-уй. “Ёш иқтисодчи”.



**СВЕТОФОР-98**  
Яқинда Пискент туманида туманлараро "Светофор-98" беллашуви бўлиб ўтди. Беллашувда Оҳангарон, Ўрта Чирчик,

## КАЛАМЧА

Бўка, Пискент туманлари, Ангрен, Олмалик шаҳарларининг ўқувчилари иштирок этдилар. Мусобақа 5 шарт - шаблон ечиш, бадий чикиш, лойиҳа билан ишлаш, велосипедда машқ бажариш, асфальтга расм чизиш бўйича ташкил қилинди. Бу шартларни аъло даражада бажарган Пискент ва Оҳангарон туманларининг гуруҳлари совринли ўринларни эгалладилар.

*Ирода СОБИРЖОН қизи.*

### БОЗОРГА БОРИШНИ ХОҲЛАЙСАНМИ?

Менимча, ҳеч ким бу саволга йўқ, деб жавоб бермас керак. Чунки, ҳаётимиз, турмушимиз фаровонлиги шу бозорга боғлиқ.

У ерда кўзни қамаштирувчи, бир-биридан чиройли, бежирим кийимлар, турли хил озик-овқатлар, мева-чевалардан тортиб то майда-чуйда нарсаларга чача-барчаси беихтиёр эътиборингизни тортади.

Кўпинча одамлар фақат дам олиш кунлари ёки ишдан бўш вақтларидагина бозорга боришади. Лекин шундай одамлар борки, улар кун бўйи бозор айланиб юрсалар ҳам эртаси кун уни яна шу жойда учратамиз. Улар ёнида пули борми, йўқми, барибир. Нарх-навои суриштириб, бозор айланиб юраверишади.

Халқимизда "Отанг бозор, онанг бозор" деган нақл бор.

Балки бу мақол айни ҳақиқатдир. Тарихга муносабат қилган бўлсак, кишилар қадим-қадим замонлардан буён ўзаро савдо йўллари орқали доимий алоқада бўлганлар. Савдогарлар бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ўз товарларини олиб ўтишган ва шу орқали улар бир-бирларини тилини, динини, дунёқарашларини ўргана бошлашган. Мана шу савдо орқали уларнинг онги, тушунчаси тобора кенгайиб, кейинчалик улар ҳақиқий зийли, етти ўлчаб бир кесадиган машҳур савдогар кишилар бўлиб етишган.

Демак, бозор ҳам давлатлар ўртасидаги муносабатларимизни ҳал қилувчи, дўстлик, ҳамкорлик ришталарини боғлаб турувчи воситалардан бири экан.

*Адолат КОМИЛОВА.*



"Шарбат ҳам ўзингиз каби ширин"

Кунларнинг бирида ошнам Денисга дедим:

- Кундалик харажатларинг учун пулни сенга ким беради?

- Ие, ҳали билмайсанми? - деди у. - Кундалик харажатларимни ўзим кўтараман. Ахир мен автомобиль бозорига машина ювсаман-да!

- Мени ҳам ўзинг билан бирга машина бозорига олиб бора қолгин, - деб ундан илтимос қилдим. У рози бўлди.

Гап шундаки, менга пул жуда-жуда зарур эди: дадам уйда бетоб бўлиб ётибдилар, устига-устак, автобус, троллейбус ва трамвайларда юриш ҳуқуқини берадиган ойлик чиптамни йўқотиб қўйганман.

Маълум бўлдики, машина ювиш учун челақ, мочалка ва дока зарур экан. Мен уларнинг ҳаммасини яқшанба кунига ҳозирлаб қўйдим.

... Биз апил-тапил нонушта қилиб, сахари мардондан бозорга отландик. Ҳали тонг отмасдан автобозорга йўл олдик. Агар биз кечикиб борсак мижозлар кам бўларкан (бозор тонг бўзармасдан бошланаркан).

Мен теварак-атрофга разм солдим: ҳаммаёқ машина, машина... Тумонат одам. Биз мижоз қидира бошладик. Денис машина ювавериш, катта тажриба ҳосил қилганидан, менга маслаҳат берди:

- Зинҳор ва зинҳор қора рангдаги машинани юва кўрма, чунки минг юв-

## БИЗНИ КИЧКИНА ДЕБ КИМ АЙТДИ? ёхуд қаловини топсанг, қор ҳам ёниши хусусида

ганинг билан унинг кири кетмайди, қоралигича қолаверади. Ҳа, ҳар гал қора рангдаги машина ювганимда она сутим оғзимдан келади. Икки челақ сув ўрнига тўрт-беш челақ сув зарур бўлади.

Ошнам яна бир ҳақиқатни айтди. Ёз фаслида машина ювиш учун мижозлар кам ҳақ тўлашар экан. Негаки, ёзда машина кам қирланади, бундан ташқари, сув ҳам илиқ бўлади. Шунинг учун бир машина ювиб, кўпи билан 150 сўм пул ишлаш мумкин экан. Қишда ҳаво совуқ, машина эса кир ва лой бўлади. Шунинг учун бир машинани ювиш баҳоси 250 сўм ва ундан юқори тураркан.

Биз "шил" этиб, машина бозори ичкарисига кириб олдик. Машина кўп

бўлгани билан мижоз оз экан. Шу аснода рўпарамиздан лойга беланган "Нексия" чиқиб қолди.

Мен Денисдан ўсмоқчилаб сўрадим:

- Шу машинани ювиш анча қийин бўлса керак-а.

- Бе. Бунақа машинани ювиш менга чўт эмас. Мен лойга беланган, чангчунг автобуслар ва ҳатто "КамАЗ"ларни ҳам бирпасда ювиб ташлайман, - дея мақтаниб қўйди у.

Биз бояги "Нексия" ёнига бордик.

Денис машина эгасига муносабат қилиб, деди:

- Амаки, машинангизни ювиб қўяйликми?

- Неча пулга ювасанлар?

- Бир юз эллик сўм берасиз.

Машина соҳиби бирпас ўйланиб турди-да, рози бўлди. Биз ҳайдовчига қараб: "Ҳозир сув олиб келамиз", - дедик.

Фақат сувни тез олиб келинлар. Шошилиб турибман, - дея бизни қистади "Нексия"нинг эгаси.

Денис иккаламиз сув қувури томон йўл олдик. Аммо у ерда навбат катта, бизга ўхшаб машина ювувчилар эса кўп эди. Мана, ниҳоят, сувни ҳам олдик. Машина ювишга тушиб кетдик. Совуқ сувдан қўлларим акашак бўлиб қолди. Ана шунда бизни боқаётган ота-оналаримизга қанчалар қийин эканлигини англадим...

Ишни битказай деганимизда "Нексия" соҳиби эътироз билдирди.

### ОДАМНИ ОДАМГА ИЛИНАМАН...

Бизнинг оилани адабиётшунослар оиласи, деса ҳам бўлади. Отам адабиётшунос-журналист, онам мактабда адабиёт дарсини ўтади. Табиий, акаларим, оналарим, мен адабиётга қизиқамиз. Биз кўпгина адабиётшуносларни, шоир-ёзувчиларни таниймиз. Шулардан бири - Суюма Фаниева. (Кичик онамнинг устози).

Бир куни биз онам ва мен Суюма Фаниеванинг Умрага бориб келганлари муносабати билан уйига бордик. Кичик адабиётшунос Робия опа - "Навоийнинг қизи" (нега бундай деганим ҳақида кейинроқ ҳикоя қилиб бераман) Суюма опаникига йўл бошлашлари керак эди. "Навоийнинг қизи" бизни метронинг "Мустақиллик майдони" бекатида кутиб туришларига келишган эдик. Улар бизни учрашадиган жойда кутиб турдилар. Онам, мен бекатга белгиланган вақтдан сал кечикиброқ етиб бордик.

Узоқ вақт транспортларда юриб, ниҳоят Суюма опаникига етиб бордик. Суюма опа бизни очик чехра билан қарши олди. Айтгандек, менинг "Тонг юлдузи" газетасида чиққан сўнгги мақоламни олиб келган эдик, мақолани Суюма опага бердик. Суюма опа:

- Менинг мақолам чиққанида набираларим мақоламнинг сарлавҳасини, пастидаги исмиمنى ўқиб, мақолани кейин ўқийман, дейишарди, - деб набираларига ўхшаб мақоламни сарлавҳани, пастидаги исмиمنى ўқиб, кейин ўқийман, деб мақолани кўйиб қўйдилар.

Сухбатда биз Суюма опа-

нинг Умрага бориб келганлари ҳақида суҳбатлашардик (мен гапга қўшилмадим-у...). Суюма опа бизга у ҳақда кўпгина нарсаларни сўзлаб берар эдилар. Олима Умрадан олиб келтирилган оби зам-зам сувидан бизга бердилар. Менга сув жуда ёқди. Сув таъми сут таъмига ўхшарди.

Катталар суҳбатлашиб ўтиришар экан, гапларига кулоқ солмадим-у, лекин Суюма опанинг "Одамни одамга илинаман" деган сўзлари менинг ҳаёлимни жалб этди. Кейин билсам, гап бобомиз Алишер Навоийнинг таваллуди кунда миллий богдаги Суюма опа ва Абдулла Ориповнинг суҳбати ҳақида кетгандек экан. Айтгандек, улуг бобомиз Навоий туғилган кунда онам, онамнинг ўқувчилари, мен миллий боққа борган эдик. У ерда жуда кўп одамлар Навоий бобомизни зиёрат қилгани келишган, ҳамма байрамона кайфиятда...

Шу пайт мен шоир Рустам Мусурмоновни кўриб қолдим. Мен шоирни танир эдим, улар билан кўришдим. Рустам ака эса мени ёнидаги кишилар билан таништирди. Сўнгра онам менга Анвар Обиджонов, Иброҳим Фафуров ва бошқа кўпгина ёзувчиларни кўрсатдилар. Менинг тўғримда бир киши турган экан, мен уни Абдулла Ориповга ўхшатдим. Онамдан ҳам "Абдулла Ориповми?" деб сўрадим. Онам жавоб беришга улгурмасданок ёнимизда турган Суюма опа шоирга: - Абдуллажон, бир мана шу ўғлимга қараб юборинг!, - дедилар. Шоир менга

қараб, қўл сиқишиб кўришди. Мен ўзимда йўқ хурсанд эдим, ҳаяжонланар эдим. Шундай шоир мен билан қўл сиқишиб кўришганига...

Шуларни эслаб ўтириб ўзимни Суюма опаникида эмас, шоир Орипов билан учрашув вақтидагидек ҳис қилдим. Ҳанда Суюма опа мени шоирга илинган эканлар. Кейин Суюма опанинг: "Юр, сенга ўз ижодхонамни кўрсатаман", - деганларидан ўзимга келиб, олиманинг ортидан эргашдим. Олима мени бир мўъжазгина хомага олиб кириб, у ердаги китобларни кўрсата бошладилар. Улар китобларни кўрсата туриб секин гап бошладилар: "Набираларим арабшунос бўлишади. Лекин ҳали ҳеч қайсиси эроншунос бўлгани йўқ. Сендан умидим катта... Агар сен эроншунос бўлсанг эди, дунёнинг турли бурчақларидан олиб келган мана шу китобларимни сенга ҳадя этардим", - дедилар. Бироздан кейин уйга қайтдик. Менинг эътиборимни жалб этган Суюма опанинг "Одамни одамга илинаман" деган сўзларига онам ҳам эътибор берган эканлар. Робия опага: "Суюма опа мунча ўзларига ўхшаб чиройли гапирдилар: Одамни одамга илинаман, деб. Одамни одамга илиниш қандай яхши-я!..."

**Жалолiddин  
САЪДИНОВ,  
Тошкент шахри,  
Чилонзор тумани,  
Шотурсун Фуломов  
номидаги 114-мактаб-  
нинг 5- "А" синф  
ўқувчиси.**

- Машинани чала ювибсан, акаси, - деди у менга юзланиб.

Маълум бўлдики, машинанинг мен ювган томони ҳали кирдан тозаланмаган экан. Денис менинг жонимга ора кирди: ёрдамлашиб юборди.

- Хафа бўлма, - деди у кўнглимни кўтариб, - биринчи марта машина ювгани чиққанимда мен ҳам ана шундай чала ювгандим.

Иш пировардига етиб, биз "Нексия" эгасидан 150 сўм пулни санаб олдик. 75 сўм Денисга, 75 сўм эса менга тегили. Бу мен умримда ишлаб топган биринчи пул эди.

Ўша куни биз соат еттигача машина ювиш билан машғул бўлиб, ҳар бирамиз 150 сўмдан пул ишладик.

Мен ўзимга тегишли пулдан икки буханка нон, сингилларимга эса сақич сотиб олдим. 90 сўм пулни эса дадамга санаб бердим. Айтмоқчи, ўша кунлари дадам бетоб бўлиб уйда ётардилар. Улар мени дуо қилдилар:

- Илоҳо, тупроқ ушласанг, олтин бўлсин.

... Ҳозир дадам шифохонада даволанмоқдалар. Мен эса машина ювиб, топган пулларимнинг бир қисмини дори-дармонга, қолганларини эса рўзгоримизнинг кам-кўстига ишлатмоқдаман. Бир қисм пулимни эса футбол тўпи сотиб олиш учун тўплаб бормоқдаман.

Ҳа, кичкина деманг бизни.

**Нур АЛИ БЕК.**






# „КОЛУМБДА БОР АЛАМИМ МАНИМ...“

**Машхур шоиримизнинг ҳайқириғи ўзбек халқию Беруний бобомизгагина тегишли эмасга ўхшайди. Яна талай кимсаларнинг Колумбда алами борга ўхшаб кўринади.**

**Биласиз, Христофор Колумб 1492 йилда Янги Дунё остонасига илк бор қадам қўйган эди. Ва бу воқеа тарих саҳифасида муҳрланиб қолди. Ваҳоланки, кейинги тадқиқотларга қараганда, Эски Дунё одамларининг қадами Америкага Колумбдан анча илгари, яна бир эмас, бир неча марта қўйилган экан. Биз қуйида ана шундайларнинг бир нечаси хусусида ҳикоя қиламиз.**



**Хуллас, 1473 йил. Португалия.**

Португалияликлар алақачоноқ Мадейра ва Азор ороларини ўзлаштиришган маҳаллар. Мадейрада ёш Христофор Колумб китоб ва



карта савдоси билан тирикчилик қилиб юради. Бу ерда келиб чиқиши нотайинроқ бўлган бир кимса билан танишиб қолади. Мазкур шахс унга Атлантика океанининг нариёғидаги ерлар хусусида сўзлаб беради.

**1390 йил. Шотландия.**

Шотландиянинг ёш, жасур шахзодаси Генри Синклер ўзининг тасарруфида бўлган Оркней оролида венециялик денгизчи Николо Дзенони учратиб қолади. Саргузаштларга ўч, қони қайноқ Дзено шахзодани саёҳатга чиқишга кўндиради. Улар янги ерлар очиш учун ҳамкорликда экспедиция ташкил этишга ке-

лишиб олишади.

“Бу ерлар Оркнейдаги аҳоли зичлиги муаммосини ҳал этади”, - дея таъкидлайди шахзода. Уларга Николонинг укаси Антонио ҳам қўшилади. Экспедициянинг қандай ўтганлиги тўғрисида кейинчалик олимлар кўлига тушган Антонионинг хати тўлиқ маълумот беради. Ушбу мактубни ўрганган америкалик тадқиқотчи Фредерик Полнинг хулосасига қараганда, улар биринчи марта Ньюфандленд шимолидаги Кейн Фрилс бурнига кўнишган. Шундан сўнг, кемалар олти кун давомида ғарбга томон сузиб, сўнг Жанубга қараб йўл солишган.

Шу ерда, янги қитъа қирғоқларида шахзода қишлаб қолган. Маҳаллий ҳиндуларнинг афсоналари ҳам бу далилни тасдиқлайди.

Мазкур саёҳатдан сўнг бир ярим аср ўтгач, “Дзено китоби” нашр этилди ва кўпчиликда жуда катта таассурот қолдирди. Ҳатто, ўта синчков тадқиқотчилар ҳам китобдаги жўғрофий далиллардан бирор-бир шубҳа уйғотувчи унсурларни топиша олмади. 1576 йилда англиялик Фробишер исмли денгизчи Дзено ўз китобида кўрсатиб ўтган йўналиш бўйича саёҳат қилди ва Гренландияга бориб тушди. Дзенонинг китобидан фламандиялик Меркатор ҳам ўзининг машхур “Атлас”ини

тузишида фойдаланди.

Шу ерда табиий савол туғилиши мумкин: нима учун Синклер ўша ерларни ўз тасарруфига киритиб олмади? Бунинг учун Синклер имконият топа олмади. Чунки, Оркнейга қайтиб келган шахзодага Англия босқини таҳдид солиб турарди. Ва у шулар билан андармон бўлиб қолади.

Ака-ука Дзеноларнинг тақдири қандай кечган? Антонио сафардан қайтиб келинганидан сўнг, бироз ўтмай вафот этади. Унинг оғаси ҳақида эса ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган.

**1311 йил. Африка.**

Битикларда дариж этилишича, Мали султони Абубакр II ўз империясини денгизлар орқали кенгайтиришга қарор қилади ва бир неча кемаларни тахт қилиб мамлакатини ғарб томондан ювиб турувчи уммонга қўйиб юборади. Араб тарихчиси ал-Умарий султон вазирларидан бирининг сўзларини ёзиб қолдирган. Унда шундай жумлалар бор:

“... Султоннинг буйруғи билан юздан ортиқ кема уммоннинг сарҳадига етиш учун сувга тушди. Анчадан кейин улардан биттасигина қайтиб келди. Биз кема кўмондонидан нима воқеа содир бўлгани тўғрисида сўраб олдик. Унинг айтишича, кемалар худди дар-

ёдаги каби кучли оқимга дуч келишган ва бирин-кетин йўқ бўлаверишган. Бу кема эса ортга қайтган”.

Америкадаги Гранада араблари ўртасида эса худди шундай афсона ҳам мавжуд. Демак, далиллар уйғун келмоқда.

**967 йил. Скандинавия.**

Лейф Эйриксоннинг афсонавий Виндландга саёҳати тўғрисидаги ривоят тўла ҳолича сақланиб қолган. Викинг Ульманнинг Марказий ва Жанубий Америкага саёҳати тўғрисидаги маълумотларни эса бу ердаги ҳиндулар оғзаки ижоди намуналари орқали аниқлашга муваффақ бўлинди.

**Эрамизнинг III асри. Рим.**

1930 йилда Мексикада археолог Х.Пайон томонидан эрамизнинг II ва III асрларига тааллуқли Рим тангалари топилган. Тангалар кўзанинг ичида бўлган. Афтдан, улар ҳалокатга учраган кема аъзоларига тегишли бўлган.



**КИМ КУЧЛИ?**

**ЙЎЛБАРСНИ ШЕР?**

Гарчи одамлар шерни энг кучли йиртқич ҳисоблаб, “хайвонлар подшоҳи” деб атасаларда, у ёввойи хайвонларнинг ҳаммасини ҳам енга олмади. Йўлбарснинг шердан кучлироқ эканлиги муқаррар.

Хайвонот боғлари ва циркдаги тажрибадан маълумки, шер билан йўлбарс олишганида шер кўпроқ жароҳатланади ва енгилари. Агар улар ўз вақтида ажратилмаса, йўлбарс шерни ғажиб ўлдириши ҳам мумкин.

Уларнинг вазни ҳам бир хил эмас. Шер 100-250 кг.гача тенг. Лекин вазни икки центер келадиган йўлбарслар кам эмас. Йўлбарс шердан йирикроқ: танасининг узунлиги, думи билан ҳисоблаганда - 3,75 метргача боради. Шер танасининг максимал узунлиги 3 метргача боради.

**ЧАЁН ЎЗИНИ-ЎЗИ ЧАҚИБ ЎЛДИРАДИМИ?**

Ҳа, ўзини-ўзи чақиб ўлдиради. Ўз кўзим билан кўрганман, дейдиганлар ҳам йўқ эмас. Бунинг учун чаён лаҳча чўғ билан қуршаб олинса бас. Шунда у қочиб қутулиш учун ҳар томонга ташланади, лекин иложи бўлмаганидан кейин, оловдан куйиб, азобланиб ўлмаслик учун ўзини-ўзи чақади.

Ўтган аср табиатшуносларининг тахминича, лаҳча чўғнинг кучли ёруғлиги таъсиридан чаённинг кўзлари оғриб, шунда у ўз миясига пиштар урармиш. Бошқаларнинг фикрича, чаён оловли халқадан чиқиш йўлини излаб, саросимага тушиб, бошини у ёққа бу ёққа урганида бехосдан ўзини чақар эмиш. Яна бир фикр: атрофи чўғ билан қуршалган чаён мутлақо ўлмас экан, у қаттиқ изтиробдан серрайиб, ҳаракат қобилятини йўқотиб, тахта бўлиб қолар экан. Карахт бўлиб ётган чаён ёнидан кетмай, сабр-тоқат билан бирикки соат кутиб турган киши чаённинг ўзига келиб, кейин қочиб кетганининг гувоҳи бўлар эмиш.


Профессор П.И.Мариковсийнинг “чарчамас овчилар” номли қизиқ асарида чаённинг заҳари унинг ўзи учун мутлақо зарарсиз эканлигини исботловчи тажрибалар ҳақида ёзилган. Демак, чаённинг ўлимига унинг заҳари эмас, балки чўғ халқадан чиқиб кетишга уринаётганида иссиқ илитиши ёки кутиб қолиши сабаб бўлади.





## ЎЙЛАНГАН ГАПНИ ТОПИҢГ

Бу ўйин болаларнинг иқтисодий тафаккурини янада мустаҳкамлайди. Бу ўйинда нафақат ўйланган гапни балки иқтисодий мазмундаги гапни топишга тўғри келади. Бунда ўқитувчи бирор иқтисодий мавзуда гапни ўйлайди. Болалар эса ўйланган гапни савол тариқасида тахминий билиб олишга ҳаракат қилдилар. Саволларга ўқитувчи "Ҳа" ёки "Йўқ" деб жавоб бериши мумкин. Сўровларнинг эса иқтисодий мазмунга эътибор бериш керак. Масалан, "Дока нон дўкони" - да мавзусида гап ўйналсин. Шундай қилиб, ўқитувчи гап ўйлади ва уни қоғозга ёзиб тўнкариб қўйди. Кейин болаларга ўйланган гапни топиш топширилади. Бирин-кетин савол бера бошлайдилар. "Ун, нон харид қилдингиз", "Макарон, мағизли нон", "Гуруч, ун, нон, оби нон" харид қилдингиз ва ҳоказо. Қайсидир жавоб тўғри чиқади. Бола "Дока нон"да нима харид қилиш мумкинлигини билиши керак. Шунга ўхшаш "Бозорда", "Супермаркетда" каби мавзуларни олиш мумкин.



## СЎЗЛАРНИНГ ЖУФТИНИ ТОПИШ

Бу кўринишидан содда ўйин, аслида ўқувчидан маълум иқтисодий билимларни талаб қилади. Бирор иқтисодий сўзга монанд, ўхшаш бошқа иқтисодий сўзни топиш учун ўқувчи яхши тайёрланган бўлиши керак. Масалан, товар ва бозор сўзлари энгилгина боғланади. "Товар бозорда сотилади". Пул ва иш ҳақини бир жуфт десак бўлади, чунки "Иш ҳақи бу пул". Шунга ўхшаш битта боғловчи сўз билан иқтисодий сўзни боғлаш ушбу ўйиннинг мақсадидир. Куйидаги устунлардаги сўзларни боғланг:

1. Одамлар	Бензин
2. Дўкон	Қоғоз
3. Бино	Озиқ-овқатлар
4. Корхона	Станок
5. Китоб	Ўрмон
6. Нефть	Ишчи
7. Бугдой	Эҳтиёт

**Бахтиёр КАРИМОВ,**  
Тошкент шаҳридаги 138-мактаб ўқитувчиси.



Инсон ғурурланиб ўзини табиат ҳукмрони деб ҳисоблайди. Биз ўзимизнинг кескин ҳаракатларимиз билан сайёрамиздаги тирик мавжудотлар ҳаётини ўзгартиришга сабаб бўлаёмиз. Варварларча ҳаракатимиздан дастлаб ўрмонлар йўқ бўлиб кетди. Ерларни ўзлаштириш, ов қилиш, ҳамроҳларимиз бўлган қушлар ва ҳайвонларни тутқин қилишимиздан атроф-муҳиту, тирик

мавжудотлар азият чека бошладилар. Буюк Толстой ҳамиша таъкидлаган эди: "Биз ҳар доим бир-биримизга керакмиз" - деб. Бу ҳаёт ҳақиқати. Чунки мана Австралияда оз бўлмаса экологик ҳалокат рўй берган бўларди. У ерда катта миқдорда сигирлар кўпайтирилган эди. Лекин оролда гўннинг ўғитга айлани-

## НИМАГА БУ КУТОБНИНГ НОМИ - ҚИЗИЛ?

шида асосий омил бўлаган кўнғизлар йўқ экан. Зудлик билан бу кўнғизларни топиб келиш лозим бўлиб қолди. Биз энди ҳеч қачон ёввойи буқа қанақа бўлишини билмаймиз. Унинг охири авлоди Ерда 1627 йилгача яшади. 1741 йил Командор оролларида олимлар топган ден-

гиз сигирлари ҳам бебошлик орқали қирилиб кетди. Ёввойи отларнинг охири авлоди 1879 йилгача яшайди. XIX аср - XX асрнинг биринчи ярмига келиб 100 турдан ортиқ қуш ва ҳашаротлар қирилиб кетди. Аини кунларда ҳам 200 га яқин ҳайвон ва қушлар турининг йўқолиб кетиш хавфи бор. Энди уларни сақлаб қолиш учун бонг уряяпмиз, қайғураяпмиз.



Икки келажак

## КУЁШ САҲОВАТИ

Куёш. Мана 5 миллиард йилдирки Ерга иссиқлик, ёруғлик, ҳаракат, энергия - қисқа қилиб айтганда ҳаёт манбаи бўлиб келатган ёрқин юлдуз-дир. Ер тахминан Куёшдан миллион мартаба кичик. Шунинг учун ҳам "яшил шаримиз" итоаткорлик билан унинг атрофида айланиб келади. Куёш ўзининг торти-



шиш кучи билан сайёрамизни ўқидан чиқиб космос музликларига равона бўлишдан сақлайди. Куёш нурини сочар экан - Ерда дарёлар оқади, шамол эсади, бошимиз узра мовий осмонни кўрамыз, ўрмонлар шовуллайди, қушлар сайрайди, гуллар очилади, болаларнинг кулгуси оламни туттади.

## Тест

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ҚАНДАЙ ТУШУНАСИЗ?

- 1. Товар нима?**
  - а) Инсоннинг яшаши, меҳнат қилиши, мавқеига эга бўлиши учун истеъмол қилиниши зарур бўлган маҳсулотлар йиғиндиси;
  - б) Кишиларнинг пулга эҳтиёжи;
  - в) Ўз истеъмоли учун эмас, бошқа маҳсулотларга бозорда пул воситасида айирбошлаш учун яратилган меҳнат маҳсули.
- 2. Бозор деганда нимани тушунаси.**
  - а) Инсонларнинг шахсий мулкни;
  - б) Сотувчи ва харидор ўртасидаги олди-сотди билан шуғулланадиган жой;
  - в) Рақибини синдириш мақсадида товарнинг ўз нархидан арзон нархда сотилиши.
- 3. Юртимизда етиштириладиган пахта қаерларда сотилади?**
  - а) Америка, Бразилия.;
  - б) Лондон, Австралия.;
  - в) Буюк Британия, Лондон.
- 4. Қачон бозорда таклиф кўпаяди?**
  - а) Нарх баланд бўлганда;

- б) Бозорда одамлар кўпайганда;
  - в) Бозорда моллар кўпайиб кетганда.
- 5. Қандай вақтда бозорда талаб кўпаяди?**
    - а) Бозордаги моллар камайиб кетганда;
    - б) Нарх баланд бўлганда;
    - в) Нарх паст бўлганда.
  - 6. 4-5 кишининг мулки қандай мулк ҳисобланади?**
    - а) Шахсий мулк;
    - б) Хусусий мулк;
    - в) Давлат мулки.
  - 7. Осмон, юлдуз, ойни қандай мулк дейиш мумкин?**
    - а) Давлат мулки;
    - б) Хусусий мулк;
    - в) Шахсий мулк.
  - 8. Қаламнинг ёзадиган қисми нимадан тайёрланган.**
    - а) Олтингургурт;
    - б) Графит;
    - в) Тошкўмир.
  - 9. Мулк қачон пайдо бўлган?**
    - а) Ибтидоий жамоа тузулишида
    - б) 1941-1945 йилларда;
    - в) Мустақилликдан сўнг.

## ЁРЛИҚЛАР НИМА ДЕЙДИ?


ёки қиз бола билиб қўйиши керак бўлган нарсалар ҳақида

Замонавий кийим-кечак ишлаб чиқарадиган йирик корхоналар ўз савдо русумлари ва меҳнатлари қадрига етишади. Ҳамиша маҳсулотларининг умрини узайтириш пайида бўлишади. Шу боис, уларнинг ички томонига ишлов беришнинг турли кўринишлари ҳақида тавсия берувчи, махсус шакллардан иборат ёрлиқлар ёпиштириб қўйишади. Хўш, бу ёрлиқларда нималар дарж этилган? "Dri clean only" - маҳсулот фақат қуруқ тозаланиши керак. "Hand wash only cold" - соvuқ сувда қўл билан ювилиши лозим. "Wash dark colours separately" - тўқ рангдаги маҳсулотлар алоҳида тозаланади. "Mashine wash warm" - илиқ сувда, кир ювиш машинасида ювилади. "Dry do not wring" - сикмай қуритиш лозим. "Rinse" - чайиш. "Keep away from open flame" - очик оловдан узоқроқ тутиш керак.

"Do not iron" - дазмоллаш мумкин эмас. Расмда кўрсатилган махсус белгилар эса куйидагиларни англатади. 1 - маҳсулотни ювиш мумкин эмас; 2 - эҳтиёт бўлинг, ювиш ҳарорати 30 ° С дан ошмасин; 3 - 60 ° С дан ошик бўлмаган сув ҳароратида ювиш лозим; 4 - ювиш эҳтиёткорликни унча талаб қилмайди, маҳсулотни қайнатиш мумкин; 5 - кимёвий тозалаш мумкин эмас; 6 - диққат: кимёвий тозалашни фақат уайтспирт билан бирга амалга оширинг; 7 - кимёвий тозалашда эҳтиёт бўлинг. Тозалаш пархлорэтилен ёки уайтспирт ёрдамида амалга оширилади; 8 - маҳсулотни барча эритмалар билан тозалаш мумкин; 9 - кимёвий тозалаш мумкин эмас; 10 - кимёвий тозалаш тақиқланади; 11 - маҳсулот барча эритмаларга чидамли эмас, фақат уайтспирт ёрдамида тозалаш мумкин; 12 ва 13 - 40 ° С дан ошик ҳароратда ювиш тавсия этилади; 14 -

машинада ювиш тақиқланади; 15 - маҳсулотни сиктириш мумкин эмас; 16 - буғ билан ишлов беришга йўл қўйилмайди; 17 - дазмоллаш мумкин эмас; 18 - ўта эҳтиёткорлик лозим; 19 - 120 ° С дан ошик бўлмаган ҳароратда дазмол-


лаш мумкин; 20 - 160 ° С дан ошик ҳароратда дазмоллаш мумкин; 21 - 140 ° С дан ошик бўлмаган ҳароратда дазмолланг; 22 - хлорли оқловчиларни қўллаш ман этилади; 23 - хлорли оқловчиларни қўллаш мумкин.





### Боланинг тили ширин

- Катта бўлганимда курувчи бўламанда, уй хоналарини бурчаксиз, думалоқ қилиб кураман, - деди бобосига беш яшар Каримжон.  
- Нега?  
- Бурчакда турмаслик учун...




Она тили ўқитувчиси деди:  
- "Маҳбубага дадаси музқаймоқ олиб келди..." Гапнинг эгасини топинг.

Ўқувчи:  
- Агар опалари тортиб олишмаса эгаси Маҳбуба.

Хасан-Зухранинг туғилган куни нишонланаётган эди. Хасан зиёфатга ўғил болаларни, Зухра эса дугоналарини айтиб келадиган бўлишди.

- Ўғил болалар тўполончи бўлишадди. Хасаннинг зиёфати эртага бўлақолсин, - дея ялинди Зухра ойисига.  
- Иложи йўқ-да. Сиз ака-сингилларсиз, бир кунда туғилгансизлар, - тушунтирди ойиси унга.

- Бизни бошқа-бошқа кунда туғсангиз яхши бўлар экан, - деди хўрсиниб Зухра.



- Менинг бурним отамники, кўзим онамники, - деди бир бола.

- Менинг пешонам бувимники, қулоғим амакимники, - деди иккинчи бола.

Улардан ортда қолмаслик учун учинчи бола ҳам гап қўшди:  
- Менинг иштоним акамники.

Тарбиячи сўради:  
- Авазжон, айт-чи, кўзичоқ қандай маърайди?

- Ба-а-а... дейди!  
- Хўроз қандай қичқиради?  
- Ку-куру-ку, дейди.  
- Эчки-чи?  
- Ба-а-ин-ба.  
- Бўри қандай увуллайди?  
- Сеними, шошмай тур, дейди.



### Қизиқ хангомалар

#### МИЯ ЭМАС, КОМПЬЮТЕР

1980 йил 18 июнь куни ҳиндистонлик Шакунтала Деви исмли қиз Лондон Императорлик коллежининг ҳисоблаш машиналари бўлими ходимлари томонидан берилган топшириқни бажарди, яъни икки 13 хонали рақамни бир-бирига кўпайтирди (7 686 369 774 870 x 2 465 099 745 779). Орадан роппа-роса 28 секунд ўтгач, у ҳосил бўлган сонни айтди - 18 947 668 177 995 426 426 773 730. Текширув натижасида қиз

ҳисобни сўнгги рақамигача тўғри аниқлагани тасдиқланди. Бироқ, кўпчилик мутахассислар бунга ишоншни истамадилар, тажриба чоғи назорат кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган, дея шубҳа билдирдилар. Аммо орадан кўп ўтмай Шакунтала Деви ўзининг энг мураккаб ҳисоб амалларини миёда ҳал этишдек ақл бовар қилмас иқтидори сабабларига ойдинлик киритувчи китобини чоп этди.

### Чет эл юмори

Ўқитувчи ўқувчиларга Гётенинг туғилган ва вафот этган йилларини кўрсатиб, "бу нима ни билдиради" деб сўради. Шунда Ганс ирғиб туриб деди:  
- Жаноб муаллим, бу Гётенинг телефон номери...

Тото қишлоққа тоғасиникига борди.

- Эмиль тоға, Эмиль тоға, - деди у бир куни ҳовлиқиб, - челақдаги сутда битта сичқон бор экан.

- Олиб ташладингми уни?  
- Йўқ. Челақнинг ичига мушукни ташлаб юбора қолдим.

Она: - Том, булдог итимизга нега афтингни қийшайтирясан?

Бола: - Аввал ўзи бошлади-ку!

Рудольф, XIX аср кимёгарлари ҳақида нима биласан?

- Уларнинг ҳаммаси аллақачон ўлиб кетган.

- Аканг қаерда?

- Касалхонада.

- Унга нима қилди?

- Деразадан пастга ким кўпроқ энгашишга баҳслашгандик. У ютиб чикди.

### Гиннеснинг рекордлар китобидан

Энг узок вақт арғамчида учиш 20 августдан 2 сентябргача 312 соату 40 дақиқа давом этган. Уни АҚШнинг Орегон штатида яшовчи Крис Лайонс ва Дана Дуоверлар амалга оширган.

Иоханнесбурглик мактаб ўқувчилари Петер Баухер ва Гордон Юилл 80 соат 20 июндан 23 июнгача эскалаторда учиб, жаҳон рекорди ўрнатдилар.

Дунёдаги энг катта оёқ кийимини Мадридда Антонио Алохо де ла Приста тиккан. Пойабзал 1,3 метр бўлиб, 72 кг оғирликда бўлган. Уни тайёрлашга икки сигир териси кетган.

Қўл бериб саломлашиш бўйича жаҳон рекордини АҚШ президенти Теодор Рузвельт (1858-1919) ўрнатган. Бу воқеа 1907 йил биринчи январда Оқ уйда бўлиб ўтган. Пре-

зидентни янги йил билан табриклаш учун 8513 нафар киши ташриф буюрган. Ундан кейин 1986 йил 3 октябрда америкалик диск-жокей Майк Батс 7 соату 25 дақиқа ичида "қўлни бериб, қўшнингга ёрдам бер" номли бўлиб ўтган компанияда 16.615 қўлни сиқишга мушарраф бўлган.



Дунёдаги энг баланд эгизаклар Майкл ва Жеймс Ланьерлардир. Улар 1969 йил 27 ноябрда туғилган.

Бўйлари 223.5 см. Американинг Мичиган штатида истиқомат қилишди.

Энг паст бўйли эгизаклар эса калифорниялик опа-сингил Дорин Уильямс ва Дарлин Макгрегорлардир. Уларнинг бўйлари атиги 124.4 см.

Дунёдаги энг оғир "бешовлон" 1953 йил 7 июнда Хитойда ва 1956 йил 30 декабрда Ҳиндистонда туғилган бўлиб, уларнинг вазни 11,35 кг.ни ташкил этган.

Энг оғир тўрт эгизак қизлар (умумий вазни 10,35 кг) 1978 йил 4 октябрда Япониянинг Цушихаши туғруқхонасида рўйхатга олинган.

Эронда 1969 йил 18 мартда туғилган уч эгизак дунёдаги энг вазни оғир учовлон деб топилган (икки ўғил ва бир қиз). Уларнинг умумий вазни 11.96 кг. бўлган.

### Хандалар

Бола фермага борибди:  
- Ойим юбордилар, бир литр сигир сути бераркансиз.  
- Идишинг жуда кичкина-ку, болакай?  
- Унда бир литр эчки сути бера қолинг.

- Дада, нега сизнинг автомобилнингиз йўқ?

- Уни сотиб олишга менда пул йўқ. Агар сен мактабда яхши ўқисанг, эҳтимол катта бўлганимда автомобиль сотиб оларсан.

- Дада, демек сиз мактабда жуда ёмон ўқиган экансиз-да.

### Габрово латифалари

- Буви, қайчини бериб туринг.  
- Қайчини меҳмонларнинг олдигагина ишлатиш керак, кўзичоғим, ипни тишинг билан узавер.

- Официант, - дейди габроволик ресторанда, - стол тагига чақа тушиб кетди. Уни топсанг, менга қайтариб бер, тополмасанг, ўзингга чойчақа ўрнида олақол.

Бир габроволик балиқ харид қилаётган эди. Сотувчи унга балиқнинг қайси бўлагини кесиб беришни сўради.  
- Бош тарафидан жиндай



қирқ... Энди дум томонидан ҳам қирқ... Баракалла. Энди ўртасини узатавер.



ЎЙИҢ МАЙДОҢЧАСИ



БОШҚОТИРМАЛАР,  
ЎЙИҢЛАР,  
ТОПИШМОҚЛАР.


“ЁШ ИҚТИСОДЧИ”ГА  
МАКТУБЛАРИНГИЗНИ  
КУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри,  
Мустақиллик майдони,  
2-уй, 402-хона  
(Музаффар Пирматов).

Мулоқот учун телефон:  
(371) 139-49-32,  
139-16-19.  
Факс: (371) 139-48-23.



Лабиринтдан ўтишга ёрдам беринг.




Лабиринтдан ўтишга ёрдам беринг.


Суратлардаги 5 та фарқни топинг.



2 та бир хил суратни топинг.



Кимнинг варраги қайси?



Суратлардаги 2 та  
фарқни топинг.



Катталар кичиклар ҳақида

# Санитария "пост"лари керак

Туроб Хасанов кўп йиллардан буён болаларда травматизм, яъни суяк жароҳатларини даволаш билан шуғулланиб келади. У киши иш жараёнида нафақат катта тиббий тажриба тўплаган, балки болалар ҳаёти, улар руҳиятини чуқур ўрганган инсон ҳамдир. Туроб ака билан бўлган суҳбатимиз мавзуси, ўйлаймизки, ҳар бир болага кундалик ҳаётида асқотади.

Туроб ака, ҳар бир инсон болалигида уришиб, талашиб-тўртишиб, баъзан йиғилишлардан жароҳат олиб, катта бўлади. Сиз нима деб ўйлайсиз, болаларда жароҳатланишнинг учрашида уларнинг феъл-атвори сабабми ёки кўпроқ тасодифий ходисаларми?

Маълумки, ҳар бир бола - бир дунё. Бир боланинг феълига қараб, иккинчисига баҳо бериб бўлмайди. Айниқса, кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари, яъни 7-11 яшар болалар ҳар нарсага қизиқувчан, ҳар нарсадан тез таъсирланувчан бўладилар. Лекин уларнинг танаси ҳали унчалик ривожланмаган, чиниқмаганлигини ўйламайдилар. 12-14 ёшли ўсмирлар эса саргузашт адабиётларни ўқишга берилиб, ўзларининг сеvimли қахрамонларига ўхшаган ҳаракат қиладилар ва кўпинча бунинг оқибати салбий тугайди. Бундай ҳолларда улар ота-оналаридан дакки эшитадилар. Қизиғи шундаки, ўша ота-оналарнинг ўзлари ҳам худди шундай шўхликлар

билан катта бўлишган. Бир сўз билан айтганда болалар травматизми содир бўлишига кўпроқ уларнинг ўзлари сабабчидирлар.

**- Авваллари мактабларда санитария постлари бўларди...**

Дарҳақиқат шундай, Санитария постлари мактаблардаги Қизил Ярим Ой жамияти бошланғич



ташкilotлари билан ҳамкорликда иш олиб борардилар. Тўрт ўқувчидан иборат бу синф санитария постлари шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиниши, хоналар ва худудлар озодалиги, мактаб санитария пости эса бутун мактабдаги озодалик ва тартиб учун масъул бўлардилар. Бундай постлардан зарур бўлиб қолганда жароҳатланган болаларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни билишлари ҳамда мактаб тиббиёт ходимларига қўмаклашишлари талаб этиларди.

Мактаб санитария пости ҳар бир смена учун алоҳида юқори синф ўқувчиларидан тузиларди. Улар мактаб хисобидан санитария сумкаси, аптечкаси, тиббий замбиллар ва қўлга кийиладиган боғичлар би-

лан таъминланарди. Постлар олдиндан тузиб қўйилган жадвал асосида ҳар бир танаффусда мактаб санитария бурчагида навбатчилик қилишарди. Улар ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини тадбиқ этишда, профилактика мақсадида ўтказиладиган тиббий кўриклар, эмлаш тадбирларида тиббий хо-

димларга ёрдам берардилар. Касал бўлиб қолган ва жароҳатланган ўқувчилар тўғрисида хабарлардилар. Афсуски, бугунги кунда бундай хизмат ҳамма мактабларда ҳам мавжуд эмас.

**- Болалар травматизми кўп ҳолларда йўл-транспорт қоидаларининг қўпол бузилиши оқибатида рўй бериб туради...**

Катта шаҳарларнинг серкатнов кўчаларида рўй берадиган бахтсиз ходисаларнинг катта қисми болалар иштирокида содир бўлиши сир эмас. Ўйинга берилиб кетган мактаб ўқувчилари кўпинча эҳтиёткорликни унутиб қўядилар. Бу эса бахтсиз ходисаларга ва ҳатто офир оқибатларга олиб келади. Сохта қахрамонлик баъ-

зан болаларни бир умрга майиб қилиб қўяди. Бугунги кунда ойнаи жаҳон орқали мунтазам бериб борилаётган «Светофор» кўрсатуви ижодий натижалар бермоқда. Аммо бундай тадбирларни янада кенгрок йўлга қўйиш, бу борада болалар ҳаётига янада чуқурроқ кириб бориш зарур деб ўйлайман.

**- Болалар травматизми рўй бермаслиги учун нималар қилиш зарур деб ўйлайсиз?**

Болаларда турли жароҳатлар рўй бермаслик ишини таъминлаш фақат мактаб маъмуриятига боғлиқ эмас. Бунда ота-оналар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг ҳам роли аҳамиятли. Айниқса, маърифий ишлар кўпроқ натижа беради. Бунда болаларни оилада санитария-гигиена қоидаларига ўргатиб бориш, болаларга травматизм жароҳатларининг оқибатларини тушунтириш зарур. Шунингдек, болалар травматизмининг олдини олишга қаратилган тадбирларни кенг тарғиб қилиш, айниқса қишлоқ жойларида бу ишларни кенгрок ёйдириш лозим. Менимча, бу борада аҳоли ўртасида маърузалар ташкил қилиш, телевидение ва радио орқали тарғибот ишларини йўлга қўйиш катта натижалар беради.

**Абдумалик АБДУРАХМОНОВ**  
суҳбатлашди.  
**СУРАТДА: Туроб Хасанов иш пайтида.**



оталар ёзади

## Бағишлов

Ёшлиқда,  
болалиқда,  
Ўт бўлиб, олов  
бўлиб  
Эркин,  
мустақилликда  
Ҳамфикр, ялов  
бўлиб,  
Кўнгил розини бир-  
бир  
Қилурман сизга  
изҳор.  
Қалбимда ёнган  
меҳр,  
Оташни этай  
изҳор.  
Тоғу тошларни  
кезиб,  
Ўргандим бу  
оламни  
Гоҳ дилни гамда  
эзиб,  
Гоҳ дилдан қувдим  
гамни  
Агар сизларга  
манзур,  
Бўлса шеърий  
маржоним,  
Қилар эдим минг  
шукр  
Дилда қолмай  
армоним  
Истиқлол, ҳур  
замонда  
Хожи бўлдим  
кўнглим шод.  
Буюк  
Ўзбекистонда  
Яшай Шоший, қил  
ижод!

Ҳожи Сиддикхўжа  
Шоший

ОРЗУ

## АНЗАР

Беш ёшли Анзар Расуловнинг фикру хаёли



фақат машиналарда. Кўчада ойижониси билан кетаётганда ҳам икки кўзи йўлдаги турли русумдаги автомашиналарда бўлади. Анзар уларнинг номларини ҳам бирма-бир айта олади. Севимли машғулот эса машиналар расмини чизиш, ўзи орзу қилган автомобилни қандай қилиб тасвирлаш. Уйдагилари сенга нима олиб келайлик ёки совға қилайлик деб сўраса у баъзи тенгдошларига ўхшаб шоколад ёки жвачка демай, фақат машина сўрай-

ди. Албатта ўйинчоғини. Бундай ўйинчок машиналардан ундан анча-мунча бўлса ҳам барибир камдек.

Анзарнинг отаси Равшан ака ва онаси Зумрадхон опалар ўғилларининг бу ишкибозлигидан хурсандлар. Ким билади дейсиз, балки бир неча йиллардан сўнг Анзар юртимиз номини кўтариб ажойиб автомашиналар кашф қилиб, дунёга машхур «Мерседес-Бенц», «Вольво», «ДЭУ» каби автоқорхоналар эгаси бўлар? Хозирча эса унинг хаёли фақат ўзи орзу қилган машиналар билан банд

**Л.КОРНИЕНКО**

мавзу

## СИЁХ

Сиёхнинг аниқ қаердан, қачон келиб чиққанлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, лекин тарихда мисрликлар билан хитойликлар қора куяни майга аралаштириб таёрлашган. Греция билан Италияда эса сиёх Шасрдан бошлаб ишлатилган. Қадимги яхудийлар диний китобларни олтин билан қумушнинг қириндисидан тайёрланган лак бўёғига қўшиб ишланган сиёхда ёзишган.

1826 йили француз кимёгарлари Робик билан Коленлар денгиз ўсимликларидан кул рангли ализарин бўёғини олишнинг йўлини топиб унга темир қуқуни қўшиб сиёх тайёрлашган. Давлат аҳамиятига молик хужжатлар аввалгидек темир қуқуни қўшилмасидан тайёрланган, сифати бузилмайдиган сиёхда ёзилган.

Кидирбой ТҮЛЕБОЕВ

Бу йил иқтидорли болаларнинг Республика VII слётида қашқадарёлик ўқувчиларнинг омади келди. Уларнинг каштачилик, хайкалтарошлик, ёғоч уймакорлиги каби ишлари юқори баҳоланди.

Китоб тумани «Болалар ва усмирлар маркази» қошида бир қанча тугараклар ишлаб турибди. 440 нафар ўғил-қиз қизиқишлари буйича «Наққошлик», «Миллий каштачилик», «Ёш тасвирчилар», «Хайкалтарошлик», «Ёш суратчилар» тугараклари ишлаб турибди. Болажонларга бор меҳрини бераётган Абдураззоқ Холиқов, Исомиддин Сафаров, Саида Исмоиловалардан ҳамма хурсанд.

## ЎРГАТИНГ, ОСОН КЎРСАТИНГ

— Бирлик бор жойда хотиржамлик бор, — дейди марказ раҳбари Ғайрат ака Боқиев. — Хотиржамлик бўлгандан кейин хоҳишда бўлсин, хоҳ оилада, яхши кайфият ҳукм суради. Яхши кайфиятли устозларимиз болаларга жон-жон деб ҳунар ургатадилар ва осон кўрсатадилар ҳам.

Илҳом Ашуров наққошлик тугарагига беш йилдан бери қатнашади. Узининг мафтункор нақшлари билан барчага маъқул бўлаяпти. Устози-Райм ака Валиев.



Илҳом, 28-мактабнинг 11-«А» синфида ўқийди. Унинг кургазмалари орасида Камолиддин Бехзодга бағишланган миниатюриси ўзи ўқийган мактабининг номи — Абдулла Шоирнинг 120 йиллигига атаб чизган сурати алоҳида — эътиборга лойиқдир.

Нигора Муминова ҳам раҳбари Маҳбуба опа Рахматовадек кашта тўқий олади. У Алишер Навоий номли 1-мактабнинг 10-«Б» синфида ўқийди.

Суратда: Илҳом Ашуров, Нигора Муминова ҳамда шаҳрисабзлик хайкалтарош Радик Амиров устози Адолат Исоқовалар билан.

Феруза ОДИЛОВА.  
Сураткаш Р. Альбеков.



## «Ойнаи Жаҳон» — болаларга



СЕШАНБА, 19 май  
Уз ТВ — 1

10.05 Инглиз тили.  
10.55 «Велосипед қочиб кетди» мультфильм.  
11.05 «Саргайган саҳифалар». Адабий курсатув.  
11.30 Болалар учун «Сехрли оҳанглар».  
12.05 Кундузги сеанс «Ота меҳрини кўрмаганлар». Бадий фильм.  
18.10 «Қойилмақом Гоша» мультфильм.  
19.10 «Миср муъжизалари».  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
Уз. ТВ — 2  
18.15 «Ёрилтош» мульттуплам.  
18.25 «Ёввойи ҳайвонот олами».  
19.10 Голливудга нигоҳ.  
Уз. ТВ — 4  
18.50 «Мульттомоша».  
20.45 «Сен ҳақингда ва сен учун».  
21.35 «Уйингоҳ».  
ЧОРШАНБА, 20 май  
Уз. ТВ — 1  
8.25 Узбектелефильм намойиш этади «Олот».  
10.25 Болалар учун «Қувноқлар даврасида».  
11.30 «Акс садо».  
12.30 Кундузги сеанс «Ғаройиб бола». Бадий фильм.  
18.10 «Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига. «Алпомишлар ҳамшиша голиб».  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
Уз. ТВ — 2  
18.15 «Уммонга туташ диёр».  
Уз. ТВ — 3  
16.40 Болалар учун «Эртақнамо чоршанба» кинокурсатув.  
Уз. ТВ — 4

### «МОРЕНА КЛАРА»НИ ОРТДА ҚОЛДИРИБ...

Телевизорда берилётган Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида яратилган кўп серияли кинони мириқиб томоша қилаймиз. Достонни ўқиганимизда анча-мунча жойларини тушунолмай қийналар эдик. Кинода эса уша уринлар тушунарли қилиб берилган. Шунингдек, яқинда Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» романи асосида олинган кинони ҳам куриб таъсирландик. Бизнинг узбек


адабиётимизда инсон юрагини титратадиган асарлар жуда кўп. Қанийди, улар ҳам кино қилиниб, экран юзини кўрсатди! Балки уларнинг орасида «Морена Клара»га ухшаган сериалларни ортда қолдирадиган зур фильмлар ҳам бўлармиди? ..

### Мактублар қутиси

Дилдора АХМЕДОВА,  
Қизилтепа туманидаги  
Охунбобоев номли мактаб.

18.50 «Мульттомоша».  
20.10 «Парвоз».  
20.25 «Ёлқин».  
ПАЙШАНБА, 21 май  
Уз. ТВ — 1  
9.00 «Бармоқлар сехри».  
10.05 «Янги алифбони урганамиз».  
11.30 «Танаффус» мультфильм.  
11.40 «Болаликка бахшида умр».  
12.00 «Индинги кун жадвали». Бадий фильм.  
14.10 Созга солдим «Алпомиш»ни.  
18.10 «Жасур чупон бола» мультфильм.  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
Уз. ТВ — 2  
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.  
18.30 «2000 йилдан сунг». Телесериал.  
18.45 «Катта танаффус». «Сунгги қунғироқ».  
20.05 Табобат оламида.  
Уз. ТВ — 4  
18.50 «Мульттомоша».  
19.05 «Сухбатдош».  
19.25 «Еттидан-етмишгача».  
ЖУМА, 22 май  
Уз. ТВ — 1  
10.05 «Немис тили».  
10.35 «Камолот».

10.55 «Фаррух ва Зумрад» мультфильм.  
11.25 «Мураббий». Спорт дастури.  
11.40 «Меҳр макони».  
12.05 Кундузги сеанс «Рикки, тикки, тави». Болалар учун фильм.  
18.10 Болалар учун «Қушигим-жон қушигим». Курсатувни Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов олиб боради.  
18.50 «Ёруғ олам кўзгуси».  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
21.00 «Иқтисодиёт алифбоси».  
21.30 «Барҳаёт сиймолар».  
Уз. ТВ — 2  
18.15 «Уйна, болажон, уйна!». Болалар учун концерт.  
Уз. ТВ — 3  
17.00 Болалар учун «Бинаф-



ша».  
Уз. ТВ — 4  
18.50 «Мульттомоша».  
19.55 «Бегойим».  
ШАНБА, 23 май  
Уз. ТВ — 1  
10.20 «Шоҳруҳ» клуби.  
11.00 «Булутли йулкаларга сайр» мультфильм.  
11.10 «Кичкинтой устахонаси».  
11.30 «Меҳрингиз ардоғида».  
11.50 Узбектелефильм намойиш этади: Миниатюра-ранг тасвири.  
12.00 Идрок.  
12.40 «Сени, Ватан кутади».  
13.00 Кундузги сеанс. «Автомобилдан сақланнинг». Бадий фильм.  
14.30 «Маънавият».  
18.00 «Фламинго». Болалар учун  
19.50 «Оқшом эртақлари».  
Уз. ТВ — 2  
8.00 Боланинг тили.  
12.05 Болалар экранни.  
17.30 «Ёрилтош». Мульттомоша.  
18.15 У ким? Бу нима?  
Уз. ТВ — 4  
10.30 Шанба эртаги.  
18.50 «Мульттомоша».

21.30 «Бу ажиб дунё».  
ЯКШАНБА, 24 май  
Уз. ТВ — 1  
8.25 «Камалак». Болалар учун кинокурсатув. Азим Суюн.  
«Эзгулик ва ёвузлик». Телеспектакл премьераси. 1-қисм.  
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».  
12.40 «Қувноқ стартлар». Телеуйин.  
14.10 «Ҳаёт сабоқлари».  
14.40 Усмирлар учун «Оқ йул».  
18.00 «Катта танаффус».  
«Сунгги қунғироқ».  
Уз. ТВ — 2  
8.00 «Уйна, болажон, уйна!» Болалар учун концерт.  
9.40 Саргузашт фильмлар экранни.  
12.15 Болалар экранни.  
16.50 «Мульттипанорама».  
18.15 «Буш утирма».  
18.35 «Синфдош».  
20.00 «Кенгта кенг дунё».  
Уз. ТВ — 3  
16.55 «Цирк, цирк, цирк».  
Уз. ТВ — 4  
9.00 «Ҳайрли тонг!».  
9.55 «Эртақларнинг сехрли олами».  
19.30 «Жонли сайера».  
15.00 «Кундузги сеанс».  
16.50 «Сенинг вақтинг».  
18.45 «Мульттомоша».  
ДУШАНБА, 25 май  
20.10 «Оқшом эртақлари».  
СЕШАНБА, 26 май  
10.05 Инглиз тили.  
20.10 «Оқшом эртақлари».

19 май



- Булбулжон,  
исмингни ким  
Кўйди экан-а?  
Энг биринчи сени

Булбул деган-а?  
Кўшиқларинг

Боглар севганинг.  
Бойқушдек

Эмас масканинг.  
Богни севган

Яшнатиб чаман,  
«Кўйла, бўл-бўл»,  
деб улар

Сени мақтаган.  
Балки «бўл-бўл»

Булбул бўлгансан.  
Эрта тонгда куйлаб

Кўнгил бўлгансан?  
- Сенга айтсам мен

Хотини эдим.  
Ўгил туғиб,

Хўп тиниб эдим.  
Шоҳнинг

Фамига бефарқ,  
Оналик завқу шавқи

Умидига гарқ,  
Мазза қилиб

Дардлардан ҳоли,  
Бирдан оламга яшин

Тушган мисоли,  
Хонавайрон бўлдим

Айрилиб ҳушдан.  
Уйгонолмай қолдим

Бу ёмон тушдан.  
Туш бўлса ҳам

Бари ўнгимда,  
Айрилиб қолдим

Сулув синглимдан.  
Меҳмон бўлиб

Бизнинг саройга.  
Лол қолганди ундаги

Ақлу чиройга  
Бутун бир шаҳар

Никоҳ тўйидан.  
Келинлар аламзада,  
На сири бор, деб,  
Ғийбат қилардилар

Беэтибор, деб.  
Эрим, суюк

Буюк отаси,  
(Подшоҳларнинг

Кўндир хатоси)  
Мен ҳеч кечира

Хато қилди у.  
Ўша машғум хатони

Кейин билдим

# БУЛБУЛ

Офтоб келгандек.  
Унинг билан

Одоб келганди!  
Қошларин қайиғида

Сузмоқ ўйида,  
Қаллиқлар воз

Чидай олмадим асло  
Бундай таҳқирга.  
Ва тан ҳам

Бундай тақдирга!  
Бир кун йўқолиб

қолди,



Тасаллим - синглим.  
Дили пок, тили

Асалим - синглим.  
Бир ҳафта ўтди,

Йўқ, на хат-хабар.  
Тўрт тарафга

Қайда бор чопар.  
Бир ой ўтди, ҳамон

Қаддим дол бўлди.  
Орзуларим

Пойимол бўлди.  
Синглимга суқсур

Топмоқчи эдим.  
Ол юзини ҳарир-ла

Ёнмоқчи эдим.  
Катта тантана

Қилсам тўйини.  
Энди эса...

Синглимнинг  
Кўрсам бўйини!

На ўлиги бор унинг,  
Ва на тириги.

Дунё кўзимга қаро,  
Қондир юрагим...

Бир пайт менга

Синглим қайғусин.  
Босқинчилик қилган

Мараз туйғусин.  
Синглимнинг ҳолдан

Йиқилганлари.  
Номусига сўнг аза

Ўқилганлари.  
«Ўлдир» деб

Қилган имоси.  
Шоҳга таъналар

Синглим сиймоси.  
Жаллод тиги

синглимнинг  
Тилин кесгани.

Тилсиз, забонсиз  
Ўрмон кезгани...

Бу ўрмонда  
бойқушлар

Йўл ёритибди.  
Илонлар раҳм қилиб

Ёшин артибди.  
Шерлар эса сут

Малҳам қўйибди.  
Шоҳда йўқ шавқат

Бари суйибди.  
Қушлар тумшуги

Сувлар ташибди,  
Синглим бир буғу

Гилам тўқилмиш.  
Синглим тақдири

Аён ўқилмиш.  
Чидай олмадим асло

Бу мусибатга.  
Қайгуларим

Асло сифатга.  
Жоним келди

ҳалқумга,  
Болам ҳам ўлсин!

Менинг қанду  
асалим,

Лолам ҳам ўлсин!  
Алам билан

Жонини олдим.  
Шилиб олдим

Гўштини олдин.  
Мурғак бошини нари

Кўйдим ҳозирча.  
Бамисоли жигарим

Ўйдим ҳозирча.  
Кабоб пиширдим

Гўшитидан ўзим.  
Келдим шоҳнинг

олдига  
Ёшланиб кўзим.

Мурғак болагинамни  
Еди отаси.

Зурриёдини еди,  
Еди хатосин!!!

Жимгина қараб  
турдим,

Туширди паққос.  
- Ўғлинг гўштин еб

бўлдинг,  
Энди мени ос!

Ер титради,  
осмонга

Отилди мушак.  
Олдимда турар эди

Сассиқпопишак.  
Ўғлим калласи эса

Гулга айланди.  
Баҳайбат саройимиз

Кулга айланди.  
Вижирлаган

қалдирғоч,  
Эмас, синглимдир.

Мен булбулга  
айландим,

Ярим кўнглимдир.  
Чаҳ-чаҳлаб гул

қошида  
Йиглаб, кулурман.

Ҳар саҳар  
куйлайман - соф

Кўнгил бўлурман.  
...Булбул сўйлаб

қиссасин  
Сўнг учиб кетди.

Унинг билан гам-  
алам

Тун учиб кетди.  
Тонг отганда яна у

Кўшигин бошлар.  
Шабнам бўлиб

гулларнинг  
Кўзини ёшлар.

КУМУШ

Халима АХМЕДОВА

## ДИЛГА ХУШ КЕЛДИНГИЗ, БОБО ФАРҒОНИЙ

Асрлар ортида ёнади қоним  
Халқим шухратиға шерикдир дунё  
Альфрангус деган ёруғ осмоним —  
Шуъласида кулди қадим Осийё

Хали тушида ҳам кўрмаган эди—  
Оврўна заминнинг асрорларини  
Фарғоний ўз асрин уйғотиб берди  
Кулатиб жаҳолат деворларини.

Тунлар исёнида муаззам фахр—  
Қачондир Дантега берганди илҳом  
Халқим, буюксанку, буюксан ахир  
Тингла, мозийлардан келар бир пайғом.

Бу кўхна дунёдан кимлар ўтмади  
Шарқнинг қуёшида ёришиб жони  
Гарчи тилсим эди, бир афсун эди—  
Фалак юрагини очди Фарғоний.

Тахтлар ўтаверар, шухратлар ўтар  
Майхоналар кулар, умрлар оний  
Юлдузлар умрига умрини тутар  
Тафаккур тоқида ҳазрат Фарғоний

Юртим, ўтмишингга тошлар отдилар.  
Гарчи бийрон эди қисмат забони  
Бугун ҳар бир дилда макон топдилар  
Ушал Беруний-ю, Аҳмад Фарғоний

Бугун кўксим аро ўсади бир нур  
Титратиб асрлар оша самони.  
Кўёш хайратидан тўкилган сурур —  
Дилга хуш келдингиз бобо Фарғоний!



Дарс тугаб ўқитувчи хонадан чиқиши билан синф жамоатчилиқ кенгаши раиси Зулхумор урнидан туриб деди:

— Мажлис булади, ҳамма жойига утирсин!

Кутилмаган эълондан купчилиқ норози булди, қизлар индамай жойларига утирдилар, ўғил болалар кетишга чоғланди.

— Ким кетмоқчи булса, марҳамат, эртага кетганлар руйхатини синф раҳбарига тутқазаман, — дея юқорига чиқиб утирди Зулхумор, ортидан синф жамоатчилиқ кенгаши аъзоларидан Жамила билан Мурод ҳам унинг ёнидан жой олди, Жамила худди ута муҳим масала ҳал этилаётгандай қозғ олди эзишга тутинди. Мурод ҳам узини салобатлироқ тутишга ҳаракат қилиб синфга разм солди. Уғил болалар ҳам утиришга мажбур булдилар.

— Бугун битта масала, у ҳам булса Садиров Алишернинг хулқини муҳокама қиламиз, — деди мажлисни бошлаб Зулхумор.

— Ахир узи йўқ-ку?!

— Садиров қатнашмасам хаммаси бекор!

— Усиз муҳокама этолмаймиз!

— Тугри, узи булмаса ҳақкимиз йўқ!

Синфда гала-говур бошланди. — Ҳечқиси йўқ, муҳокама қилиб қарорни осиб қўямиз. Унинг қатнашмаганлиги ҳам бир томондан яхши. Булмаса бу масалани ҳал этолмасдик. Синф жамоатчилиқ кенгаши уз сузида туриб олди. Норозилиқ «Синф раҳбарига эзиб бераман», деб қўрқитилгандан кейин барҳам булди. Уғил болалар фақат қисқа вақтда утказишни талаб этдилар. Синф жамоатчилиқ кенгаши розилиқ билдирди. Биринчи булиб сузга Жамила чикди:

— Умуман олганда Садировнинг хулқи бутун синфга таъсир курсатмоқда. Синфимиз ўғил болалари унга қушилиб 8-«А», 8-«Б», 9-«А» синф болалари билан мушталлақдилар. Кейинги бир ҳафта

ичидаги тартиббузарликларни олиб курайлик, учта дераза ойнаси синди, доскага миҳ билан ҳақоратли суз эзилди, «3» қушув «А» баробар севги сузларини қандай тушуниш мумкин? Ахир бизлар эндигина саккизинчида ўқияпмиз-ку бунга ҳали бир оз бор.

— Садиров бешинчи синфда севги мактуби ёзган, — дея гап ташлади Маъруф урнидан туриб.

— Утир, — деди сузида давом этаркан Жамила. — Ҳозир фақат ўқийшни уйлашимиз керак. Баъзи ўғил болалар Садировнинг ортидан келаётганлиги купчилиқни ташвишга солмоқда.

Жамила гапини тугатди, синфдагилар бир зум жимиб қолдилар, худди давлат масалалари ҳал этилаётгандай виқор билан Зулхумор урнидан турди.

— Яна ким гаширади? — дея синфга мурожаат қилди.

— Мен, — деди шахд билан урнидан туриб Зиёда. — Садировнинг бирданига бир хил мазмунда учта қизга Муяссар, Карима, Халима у бағиз-

(Хажвия)

қилиб ёзган хатини қандай тушуниш мумкин? Яхиям хатни Муяссар менга курсатгани, мен эса бу ҳақда Халимага айтдим, сир очилди. Йўқса қизларимиз ишониб юришаварарди. Хатни узи ёзса ҳам майли эди, машхур ёзувчининг «Ҳижрон изтироблари» романида йигитнинг қизга ёзган мактубини кучириб тақдим этган.

— Жуда тугри масалани уртага ташладинг Зиёда, — дея қушимча қилди Карима. — Бутун мактаб қизларини огоҳлантиришимиз керак, йўқса уларни ҳам лаққиллатиши мумкин.

— Қарорда бу масалага алоҳида тухталиб ўтамиз, — деди Зулхумор. — Яна ким сузга чиқмоқчи?

— Сумкамга қурбақа солиб қуйибди, — дея урнидан турди Ҳимоят. — Агар яна шунақа қилса 10 «Г» даги акамга айтиб бераман.

Муҳокама бошланишида қисқа булади деб ваъда қилинган булса-да узоқ қузилди. Бо-

лалар дам-бадам бошланишдаги ваъдани эслатиб қуйишарди. Қизлар сузга чиқиб қай вақтда сочини торгани-ю, йулда кетаётганда гап ташлагани, Манзура «сарик» деб масхаралаганию, ўқитувчилар ҳам унинг тупалонларидан безор булганликларини эслаб утидилар. Ҳамма бир овоздан қарор қабул қилди. Ниҳоят бир тухтамга келиб қабул қилинган қарорни ўқий бошлади:

— Садиров Алишернинг хулқи синф мажлисида муҳокама этилиб, қуйилади қарорга келинди. Синф ўқувчилари Садировга уй вази-фасини кучириб олишга рухсат бермасинлар. Садиров томонидан солид этилаётган тартиббузарликларга ҳайрихоҳ ўқувчилар навбатдан ташқари мажлисида муҳокама этилсин ва жазоблансин. Садиров тартиббузарликларга чек қўймагунча барча синф ўқувчилари алоқани узсинлар...

Қарорнинг худди шу ерни ўқийтганда бирдан эшик зарб билан очилиб қуйлакларининг тугмаси узилган, еқа ва енглари йиртилган, кузлари кукарган Садиров кириб келди-да, шошиб деди:

— Нима қилиб утирибсанлар, 8 «А» даблала қилди-ку, булинглар тез, бир адабини бериб қуйайлик.

Уғил болалар бир-бирларига қараб олишди-да, баъзилари сумкаларини олиб, баъзилари унутиб шитоб билан Алишернинг ортидан ташқарига отилишди. — Бу нимаси, болалар, ахир қарорни ўқиб булганим йўқ-ку, қаёққа кетаяпсизлар?!

Зулхумор нима қиларини билолмай қолди. Уғил болалар аллақачон чиқиб кетиб булишган, қарорни фақат қизларга ўқиб беришнинг ҳожати йўқ. Қизлар ҳам негадир шошиб сумкаларини олишди-да, ташқарига йўл олишди. Тоқати тугаган Зулхумор қизларга деди:

— Қизлар, сизлар қаёққа, қарорни узгартирамиз, мажлис тугагани йўқ, барча ўғил болаларнинг унга эргашганлиги учун алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак, қайтинглар!

— Давомини эртага утказарсан, — деди Зиёда қизлар ортидан ташқарига чиқаркан ортига ўгирилиб. — Яхшиси юр, томоша қиламиз, қайси синф болалари устун келишаркин!

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ

ТОНГ  
ОШИМОҚДА  
Куёш аста нурларин  
сочиб,  
Чиқиб келар тоғлар  
ортидан.  
Ой бўлса-чи, уялиб,  
қочиб,  
Яширинар уфқнинг ортига.

Гўзалмикдан бебахра  
қолмай,  
Тонгни кутиб, қаршила  
ҳар он!  
Нуриддин ИСМОИЛОВ,  
Кибрай туманидаги  
25-кўп йўналишли  
лицей мактабнинг 9-«Д»  
синф ўқувчиси.

ЧОПЛАҒОН

Эсаётган майин шамолда,  
Тонгнинг асл ҳусни  
намоён.

— Дўстим чопиш  
бўйича,  
Зўрман — чопқир  
Қобилдан.

Ошиб ўтдим мен кеча,  
Бешта автомобилдан.  
Ол-е, кўйсанг-чи Собир,  
Унчалик лоф урмагил,  
Этолмайсан мошинга,  
Қанчалар югурмагин.  
Сўзим охири тингла,  
Гап борда, гап кетида.  
Ахир, автомобиллар  
Тўхтаб турган эди-да!

Рустам ЖАББОРОВ,  
Тошкент Давлат  
Университетининг  
1-босқич талабаси.



### «ТЕШИКТОШ»ГА САЁҲАТ

Фарғона гузал вилоятлардан биридир. Бу ерга баҳор эрта келади. Бизнинг Найман қишлоғимиз ҳам тоғларга яқин жойлашган. Ҳар йили мактабимиз ўқувчилари «Тешиктош» гориға саёҳат қилишади. «Тешиктош» табиат муъжизаси булиб, думалоқ шаклдаги тешик тошдир.

Биз ҳам синф раҳбаримиз Карим ака Маматбеков билан биргалашиб «Тешиктош»га саёҳатга бордик. Бир соат деганда тоғлар орасидаги ялангликка етдик. Адирларда қип-қизил булиб қизгалдоқлар, сап-сарик лолалар, бойчечаклар очилган. Гуеки гиламлар тушаб қуйилганга ухшайди. Тиниқ булоқдан сув ичиб, яна йулда

давом этдик. Бизга ҳамоҳанг бобо Куеш ҳам заррин нурларини сочиб турди. Ушбу лаҳзаларда шундай улқада яшаётганимиздан қувониб кетдик.

Ниҳоят горга ҳам етиб келдик. «Тешиктош» атрофи ҳам лозарга тула экан. У ерда лолалар тердик. Аргимчоқ учиб, волейбол, қувлашмачоқ уйнадик. Бир зумда қоронғу тушаётганини ҳам сезмай қолибмиз.

Бу саёҳатимиз бир умрга эса қоладиган булди.

Саодат ОХУНОВА,  
Фарғона вилояти, Кувасой шаҳри  
М. Улуғбек номи 15-мактабнинг  
11-синф ўқувчиси

### ТОНГ ЮЛДУЗИ Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

### Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:  
Муртазо СУЛТОНОВ,  
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулдора  
ИУЛДОШЕВА, Ҳотам АБДУ-  
РАЙМОВ, Инқилоб ЮСУП-  
ОВА, Дадахон ЁКУБОВ,  
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ,  
Суннатилла ҚУЗИЕВ, Феруза  
ОДИЛОВА.

### «ЁШ ИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Асқар ШОКИРОВ,  
Равшан ҚАМБАРОВ,  
Маҳлиё МИРСОАТОВА.

IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ  
Буюртма — Г-017.  
46.496 нусхада босилди.  
Қозғ бичими — А-3.  
Босишга топириш вақти 19.00  
Топширилди — 18.30

Руйхатдан ўтиш тартиби  
№ 000137  
Манзилимиз: 700083,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси,  
32-уй.  
Нашр курсаткичи: № 64563  
Телефон:  
1-33-44-25  
1-36-57-91  
1-36-54-21